

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ ШАВКАТ АҲМАДОВИЧ

АЛИШЕР НАВОИЙ НАСРИДА КОМИЛ ИНСОН ОБРАЗИ
(улуғ шоир маноқиблари асосида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти (филология фанлари)

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Ҳайитов Шавкат Аҳмадович

Алишер Навоий насрида комил инсон образи (улуғ шоир манокиблари асосида).....3

Хайитов Шавкат Аҳмадович

Образ совершенной личности в прозе Алишера Навои (на примере произведений в жанре «манокиб» великого поэта)33

Khayitov Shavkat Ahmadovich

Imagines of perfect personality in the prose of Alisher Navai (on the example of works in the genre of «manokib» of the great poet)65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works70

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ ШАВКАТ АҲМАДОВИЧ

АЛИШЕР НАВОИЙ НАСРИДА КОМИЛ ИНСОН ОБРАЗИ
(улуғ шоир маноқиблари асосида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти (филология фанлари)

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.DSc/Fil167 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Салоҳий Дилором Исомиддин-қизи филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Имомназаров Муҳаммад Султонович филология фанлари доктори, профессор Жабборов Нурбой Абдулҳакимович филология фанлари доктори, профессор Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович филология фанлари доктори, профессор
Етақчи ташкилот:	Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи


Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «13» ноябр куни соат 9 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-44-02; Факс: (99873) 244-44-93; Web-site: www.fdu.uz; e-mail: fardu_info@umail.uz).


Диссертацияси билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (93 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-44-02; Факс: (99873) 244-44-93; Web-site: www.fdu.uz; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «3» ноябр куни тарқатилди.
(2020 йил «3» ноябр даги 15 - рақамли респ. баённомаси).




А.А.Қосимов,
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор


И.Т.Ҳожажонов,
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент


А.Г.Сабирдинов,
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., доцент

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида донишманд аждодларимиз ижодий меросидаги умуминсоний ғоялар, ахлоқий-маънавий тарбия масалаларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар кўлами кенгайди. Натижада адабиётнинг асосида жамият ва баркамол шахс, комил инсонни тарбиялаш масаласи ўзак мавзу эканлиги аниқланди. Бу мавзу талқини кўпроқ Шарқ мумтоз насрида, айниқса, Алишер Навоий маноқибларида ўз аксини топганлиги боис, мазкур жанрнинг шаклланиш тарихини тадқиқ этиш, унинг тадрижий такомил жараёнини аниқлаш ва ўзига хос ғоявий-бадий хусусиятларини асослаш муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга. Адабий жанрларнинг генезиси миллий поэтик тафаккур тараққиёти билан бевосита боғлиқлиги тўғрисидаги илмий концепция Алишер Навоий маноқибларидаги образлар тизимини чуқур ўрганиш заруратини кун тартибига қўяди.

Дунё маърифий-адабий тафаккури тараққиётининг барча босқичларида ва ҳар бир жамиятда баркамол шахс маънавияти асосларини тадқиқ қилишга бўлган қизиқиш кузатилади. Бу ҳозирги адабиётшуносликда буюк мутафаккир Алишер Навоий насрий меросида баркамол шахс образи талқинларини чуқур ўрганиш, уни янги маърифий йўналишда тадқиқ этиш ва илмий баҳолаш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан улуғ шоирнинг умуминсоний ғояларга асосланган миллий, диний ва маърифий қарашларини муайян тизимга солиш йўналишида амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда Алишер Навоий ижодий меросини адабий-эстетик асосда ҳолис илмий тадқиқ этиш, мутафаккирнинг маънавиятимизни юксалтиришга ва ёш авлодда инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилган фикрларини кенг ёйиш соҳасида муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Адабиётшунослик олдида турган бу вазифа бугунги кунда миллий юксалиш босқичига қадам қўйган Ватанимиз узоқ келажаги учун ҳам муҳим ўрин тутди: «Улуғ шоир ижодий мероси халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади»¹. Шундай экан, Алишер Навоий маърифий меросининг мумтоз бадий тафаккуримиз манбаларидан бири сифатида бугунги ислоҳотлар жараёнига татбиқ этилиши, баркамол авлод келажагини таъминлашга йўналтирилиши адабиёт илми олдида турган устувор вазифалардан биридир. Бу эса Алишер Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳайирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарлари жанрини аниқлаштириш, маноқибнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш, унинг тарихий такомилни Шарқ халқлари, қолаверса, ўзбек халқининг миллий-руҳий дунёси, асрлар давомида шаклланган маънавий-маданий қадриятлари, урф-одатлари билан боғлиқликда тадқиқ қилиш, улуғ мутафаккир насрий

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ безавол яшайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижодкорлар билан учрашувидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2019 йил 9 февр.

Мазкур тадқиқотни ёзишга илҳомлантирган ф.ф.д., профессор Р.Ж.Воҳидовнинг порлок хотираси олдида таъзим қилишга бурчлимиз. – (Бизнинг изоҳ - Ҳ.Ш.)

асарларида ўз даврининг атоқли тарихий сиймолари образларининг бадиий талқинларини исломий-ирфоний манбалар орқали биографик метод асосида ёритиш, ўз навбатида, дунё илм-фанини бундан хабардор этиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон “Баркамол авлод йили” давлат дастури ҳақида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ тарзда амалга оширилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Алишер Навоийнинг насрий асарлари юзасидан жаҳондаги бир қатор илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Cambridge University (Great Britain), Universitat Humboldt (Germani), Bilkent Universitesi, Ankara Universitesi (Turkiya), Москва давлат университети (Россия), Azərbaycan Milli Elmler Akademiyasi Nizami adina Edebiyat Institutu (Azerbaijan), University of Indiana (USA)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хориж адабиётшунослигида Навоий насрий асарлари манбалари ва матншунослиги юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида шоирнинг бир қатор асарлари, жумладан, «Маҳбубул-қулуб», «Мажолисун-нафоис» матнлари транслитерацияси ва тадқиқи амалга оширилган (Cambridge University), тасаввуфий адабиёт муаммолари Ҳ.Риттер, Л.Массигнон, Ж.С.Тримингем,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.cambridge.org; www.humboldt.edu; www.bilkent.edu.tr; www.msu.ru; <http://dergiler.ankara.edu.tr>; www.literature/az; www.indiana.edu; www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

А.Шиммел каби адабиётшунослар ва шарқшунослар томонидан тадқиқ этилган, бироқ бу тадқиқотчилар асосан араб ва форс тилларида яратилган асарларга таянганлар (Universitat Humbolt, Universitat Bonn). Навоий таъкирчилик анъаналарига издошлик масалалари ва Туркияда таъкиранавислик таъриби, Навоий шеърятининг турк шоири Аҳмад Пошшо ижодига бевосита таъсири ҳақидаги йирик тадқиқотлар турк навоийшунос олимлари (Мустафа Эсен, Юсуф Четиндаг) асарлари воситасида дунё юзини кўрган (Fatih Universitesi, Bilkent Universitesi), Алишер Навоий насрий-бадий асарларига тақлидан ўз мусаннафотларини яратган Содик Китобдор, Сайди Али Раис Котибий, Кишварий адабий мероси юзасидан қиёсий-типологик йўналишда тадқиқотлар амалга оширилган (Azerbaijan Milli Elmler Akademiyasi Nizami adina Edebiyat Institutu). Навоий насрий асарларининг илмий-танқидий матнини жаҳон китоб хазиналари фондларидан фойдаланиб яратиш ва тадқиқ этиш (Тошкент давлат Шарқшунослик институти), шоир замондошлари томонидан яратилган форс-тожик тилидаги манбалар асосида унинг биографияси тафсилотларини ўрганиш (Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети), шоирнинг тасаввуфий дунёқараши таҳлили ва талқинлари масалаларини Европа ва хорижий шарқ олимлари асарлари муқоясасида ўрганиш (ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) каби илмий натижалар қўлга киритилди.

Дунё адабиётшунослигида Алишер Навоий асарларидаги маърифий ғоялар ва тасаввуфий дунёқараш масалалари бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мутафаккир шоирнинг комил инсон ва идеал жамият ҳақидаги концептуал қарашларини ўрганиш; мумтоз адабиётдаги маноқиб жанрининг ўзига хослигини асослаш; уларда яратилган баркамол шахс образи моҳияти ва бадий тадрижини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида Шарқ насри тарихи, Алишер Навоийнинг ахлоқий-маънавий тарбияга, инсон камолотига оид насрий асарларини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, М.Н.Никитский, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Кононов, А.Боровков, А.Семёнов, М.Салье, Н.Конрад, А.Якубовский, А.Болдырев, В.Жирмунский, Б.Шидфар, М.Османов, Р.Мусульманкулов³ каби хориж олимларининг тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради.

Ўзбек адабиётшунослигида А.Саъдий, Ойбек, В.Абдуллаев, И.Султонов, Ҳ.Сулаймонов, А.Қаюмов, В.Зоҳидов, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, С.Ғаниева, А.Рустамов, Р.Воҳидов, Ё.Исҳоқов⁴ каби

³ Никитский М.Н. Мир Али Шир в литературном и государственном его значении. – М.,1928; Бартольд В.В. Улугбек и его время. ПСС в 9 т. 6-т. – М.,1965; Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. М.,1960; Бертельс Е.Э. Наваи и Джами. М.: Наука, 1957; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965; Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (У1-Х11 вв). – М.,1979; Османов М.Н. Стиль персидско-таджикской литературы. (X-ХП вв). – М.,1971; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская поэтика X-XV вв. – М.,1989.

⁴ Ойбек. Асарлар. 1X том. – Т.,1974; Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. – Т.,1968; Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.,1973; Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий лирикасининг текстологик тадқиқоти. ДД. – Т.,1961; Қаюмов А. Алишер Навоий. – Т.,1991; Зоҳидов В. Улуг шоир ижодининг қалби. – Т.,1973; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. – Т.,1993; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т.,1963; шу муаллиф: Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –

олимларнинг ишларида мутафаккир шоир шеърятда комил инсон образига хос жиҳатлар очиб берилган. Шу билан бирга, А.Абдуқодиров, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққулов, Ҳ.Жўраев, У.Жўрақулов каби олимларнинг докторлик⁵, А.Ҳабибуллаев, Қ.Эргашев, Ш.Ҳайитов, Г.Болтаева, Ҳ.Эшонқулов, Н.Бекова, М.Ражабова, К.Муллахўжаева, З.Мамадалиева, О.Давлатов, З.Ғаффорова, Ф.Олимов, И.Пардаева, А.Раззоқов, Э.Насруллаев, Н.Рамазонов⁶ каби адабиётшуносларнинг номзодлик ва фалсафа доктори тадқиқотларида Алишер Навоий адабий меросининг турли жиҳатлари ёритилган.

Алишер Навоий асарларида ифода этилган маърифий-ахлоқий фикрлар ва маънавий етук шахс талқини масалалари Н.Комилов, Р.Воҳидов, С.Олимов, Д.Салоҳий, Н.Жабборов, А.Қурбонов, Ж.Омонтурдиев, У.Қобилов, Н.Бозорова⁷ каби адабиётшунос олимларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

А.Абдуқодировнинг “Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича)”, М.Муҳиддиновнинг “Алишер Навоий

Т.,1970; Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Т.,1998; Ғаниева С. Навоий дастхати. – Т.,2007; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.,1979; Воҳидов Р. Навоий барҳаёт. – Т.,1991; шу муаллиф: Навоийнинг икки дурдонаси. – Т.,1992; шу муаллиф: Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро,1994; Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти.-Т.:Халқ мероси, 2002.

⁵ Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича): Филол.ф.докт. дисс. – Т.,1993; Муҳиддинов М. Алишер Навоий ижодида комил инсон концепцияси («Хамса»ларнинг биринчи дostonлари мисолида): Филол.ф.докт. дисс. – Т.,1994; Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф адабиётининг шаклланиши ва таракқиёти: Филол.ф.докт. дисс. – Т.,1995; Жўраев Ҳ. Алишер Навоий лирикасида воқелик ва унинг поэтик талқинлари: Филол.ф.докт. дисс. – Т.,2006. Жўрақулов У.Ҳ. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси: Филол.ф.докт. дисс. – Т.,2017.

⁶ Ҳабибуллаев А. Жанровые особенности произведения Алишера Наваи «Махбуб ал-кулуб». Дисс.на соиск.канд филол.наук: - Т.,1986; Эргашев Қ. Ўзбек насрида иншо. Филол.ф.номз.дисс.автореф.: - Т.,1995; Ҳайитов Ш. Алишер Навоий «Махбубул-кулуб» асарининг манбалари ва ғоявий-бадиий таҳлили: Филол.ф.номз.дисс.автореф.: - Т.,1997; Болтаева Г. Алишер Навоий «Фусули арбаа» касидалар туркумининг манбалари ва ғоявий – бадиий таҳлили. Филол.ф.номз.дисс.автореф.: - Т.,1999; Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоий шеърятда самовий тимсоллар («Бадойиъ ул бидоя», «Наводир ун-нихоя» девонлари асосида): Филол.ф.номз.дисс.автореф.: - Самарқанд, 1999; Бекова Н. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва «Рух ул-қудус» касидаси бадиияти.: Филол.ф.номз.дисс.автореф.: - Т.,2003. Ражабова М. Алишер Навоий «Назм ул - жавоҳир» асарининг манбалари ва бадиияти. Филол.ф.номз.дисс.автореф.: - Самарқанд, 2006. Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётда тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги («Бадойиъ ул-бидоя» девони асосида): Филол.ф.номз.дисс.автореф.: - Т.,2005; Мамадалиева З. «Лисон ут-тайр» дostonидаги рамзий образлар тизими: Филол.ф.номз.дисс.автореф.: - Т.,2011; Давлатов О. Алишер Навоий шеърятда Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Филол.ф.б. Фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд: 2017; Ғаффорова З. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадиий таҳлили. Филол.ф.б.Фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Самарқанд, 2018; Олимов Ф. Алишер Навоийнинг «Хамсатул -мутаҳаййирин» асари бадиияти. Филол.ф.б.Фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Тошкент, 2018; Пардаева И.М. Алишер Навоий тарихий асарлари бадиияти: Филол.ф.б.Фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Самарқанд, 2018; Раззоқов А.А. Алишер Навоий шеърятда илм ва маърифат талқини: Филол.ф.б.Фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Қарши, 2018; Насруллаев Э. XX аср ўзбек навоийшунослигида улуг шоир шахсияти талқинлари тадқиқи: Филол.ф.б.Фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Самарқанд, 2019; Рамазонов Н. Алишер Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи. - Филол.ф.б.Фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Т., 2019.

⁷ Комилов Н. Тасаввуф. 1-2-китоблар.– Т.: Ёзувчи – Ўзбекистон, 1996-1999; Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро; 1994; Воҳидов Р. Маҳмудов М. Маънавият – комиллик саодати. – Т.: Маънавият, 1997; Воҳидов Р. Маҳмудов М. Иймон – қалб гавҳари. Т.: Маънавият, 1999; Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996; Салоҳий Д. Навоий насрида тасаввуф. – Самарқанд: СамДУ, 1995; Жабборов Н. Маърифат надир. – Т.: Маънавият, 2010; Қурбонов А. Тасвирий воситалар ва матн мукамаллиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. № 5. – Б. 62-68; Омонтурдиев Ж. Маърифатнома. – Т.: MUMTOZ SO`Z, 2013; Қобилов У. Нубувват мотиви ва мумтоз поэтика. – Самарқанд: СамДУ, 2019; Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи. – Т.: Фан, 2009.

ижодида комил инсон концепцияси («Хамса»ларнинг биринчи дostonлари мисолида)», И.Ҳаққуловнинг “Ўзбек тасаввуф адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти”, О.Давлатовнинг “Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини”, З.Ғаффорованинг “Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадиий таҳлили”, Ф.Олимовнинг “Алишер Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин» асари бадиияти”, А.Раззоқовнинг “Алишер Навоий шеъриятида илм ва маърифат талқини”, Н.Рамазоновнинг “Алишер Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи” тадқиқотларида комил инсон ҳақида муайян фикр ва қарашлар ўз ифодасини топган.

Н.Комиловнинг “Тасаввуф” (1-2-китоблар), Р.Воҳидов ва М.Маҳмудовнинг “Маънавият – комиллик саодати”, “Иймон – қалб гавҳари” китобларида Алишер Навоий шеърияти ҳамда “Хамса” дostonларида комил инсон муаммоси Шарқ адабиёти доирасида текширилиб, муҳим илмий назарий хулосаларга келинган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари зикр этилган ва бошқа бир қатор ўзбек, рус адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Тадқиқотда Алишер Навоийнинг насрий асарларида баркамол шахс образининг поэтик ифодаси муаммоси комил инсон сиймоси бадиий талқинининг хос хусусиятларини очиш нуқтаи назаридан илк марта ўрганилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган муассаса илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университети Ўзбек адабиёти кафедрасининг «Ўзбек адабиётининг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Алишер Навоийнинг маноқиб жанридаги насрий асарларида комил инсон образи талқинини исломий-ирфоний манбалар асосида ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Алишер Навоий маноқибларини Қуръони карим, ҳадис, тасаввуф ва жавонмардлик тариқати билан алоқадорликда қиёсий текшириш;

Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асарини ўз салафлари пандномалари билан муқояса қилиб, анъанавий мавзуда мутлақо ўзига хос тарзда комил жамият ва комил инсон масаласи талқин қилинганини исботлаш;

маноқиб жанри генезиси, шаклланиши, тараққиёти, унинг Шарқ халқлари бадиий сўз санъатида тутган ўрни ва Алишер Навоий ижодига таъсири масаласини ойдинлаштириш;

Алишер Навоийнинг уч маноқибда салафлари ижодида кузатилмаган, яъни муаллифнинг маърифий-ахлоқий комиллик мезонига биноан аниқ шахслар, адиб замондошлари образи мисолида баркамол шахс тимсолини яратганлигини асослаш;

улуғ мутафаккирнинг ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари ифодаланган маноқибларидаги бадиий образлар моҳиятини биографик метод орқали очиб бериш;

Навоий насридаги ирфоний маъно ва тимсоллар моҳиятини, улуғ адибнинг тасаввуфга муносабатини ойдинлаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Мажолисун-нафоис», «Муншаот», «Вақфия» каби насрий асарлари танланди. Қиёсий таҳлил талабига кўра яна бир қатор илмий, бадиий, илоҳий-ирфоний манбалар, жумладан, Қуръони карим, Имом Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» ҳадислар тўпламига ҳам мурожаат этилди.

Тадқиқотнинг предмети маноқиб жанрининг генезиси, тарихий тараққиёти ва жанр хусусиятлари тадқиқи ва таҳлили асосида олинган илмий натижалар, улуғ мутафаккир маноқибларида яратилган даврнинг машҳур шахслари образларини комил инсон тамойили асосида текшириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, биографик, герменевтик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий насрий асарларидаги комил инсон ҳақидаги қарашларнинг манбалари аниқланиб, шоирнинг Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадга бағишланган асарлари мисолида маноқиб жанри табиати ойдинлаштирилган;

Навоий насрида илм ва ижод аҳли, сўфийлар, футувват маслаги вакиллари ҳамда бир қатор ижтимоий табақа вакиллариининг баркамол шахс тимсоли сифатида бадиий талқин қилинганлиги илмий асослаб берилган;

Навоийнинг Хусайн Бойқаро, темурий шахзодаларнинг дарвеш ва орифларга, илм ва ижод аҳлига муносабатини ёритишга бағишланган талқинлари замирида ирфоний тафаккур билан жамиятни поклаш ва адолат устуворлигига эришиш ғояси ётганлиги далилланган;

Нақшбандия таълимотининг ғоявий асосларига таянган ҳолда Алишер Навоий маноқиблари мағзидаги рамзий-истиоравий ифодаларнинг мажозий ва ирфоний маънолари бадиий матн мисолида очиб берилган;

буюк мутафаккирнинг насрий услуби, поэтик маҳорати қирралари, комил инсон образини яратишдаги кашфиётларининг ахлоқий-фалсафий моҳияти таҳлил этилиб, замонавий аҳамияти кўрсатилган;

Алишер Навоийнинг дарвеш шахсига муносабати, бундан кўзда тутган мақсади, адиб насридаги дарвеш сиймосининг ижтимоий-ахлоқий моҳияти, шоир шахсияти, руҳияти, диний эътиқоди, маънавий дунёқараш масалалари унинг маноқиблари асосида янги давримиз миллий ғояси тамойиллари ва тавсиялари нуқтаи назаридан ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

маноқиб жанрининг шаклланиши, тарихий тараққиёти, ғоявий-бадиий ўзига хослигини, бу жанрдаги асарларда ифода этилган комил инсон образини тадқиқ этиш натижасида чиқарилган илмий хулосалар адабиётшунослик, навоийшунослик ва тасаввуфшунослик фанларини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитган;

жамиятнинг фаол аъзоси ва чуқур маърифий дунёқараш эгаси сифатларини уйғунлаштирган «суратан шоҳ ва сийратан дарвеш» концепти аниқ илмий далиллар, исломий-ирфоний манбалар орқали асосланган;

машҳур тарихий шахслар биографияси ва улар ҳақидаги бадиий асарлар моҳияти қиёсий тадқиқ этилиб, Навоий даври мафкуравий тизимида муҳим ҳодиса бўлган баркамол шахс тимсоли тадқиқ этилган;

мутафаккир шоирнинг биографик талқин асосида яратган насрий асарлари услубининг адабий-эстетик асослари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ундаги назарий маълумотларнинг тарихий-илмий манбалардан олинганлиги, фойдаланилган усуллар ва юзага чиқарилган фикр-қарашларнинг қиёсий-типологик, биографик, тарихий-қиёсий таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Мазкур диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётшунослигида Алишер Навоийнинг насрий асарларида талқин этилган баркамол шахс ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, инсон ва унинг маърифий камолоти масалалари юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради. Маноқиб генезиси, тарихий тараққиёти тамойиллари, бадиияти ва ўзбек мумтоз адабиётида мазкур жанрнинг тутган ўрни ҳақидаги қарашлар ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги тарихи, адабиётшунослик назарияси, матншунослик, навоийшунослик, тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, маноқиб жанрининг назарий масалалари, комил инсон образининг исломий-ирфоний манбалар асосида ёритилишига оид қарашлардан ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги, адабиёт назарияси, матншунослик, тасаввуфшунослик, навоийшунослик каби йўналишларда ўқув ва услубий қўлланмалар, хрестоматия ва дарсликлар тайёрлашда ҳамда адабиётшунослик терминлари ҳамда тасаввуф истилоҳлари бўйича луғатлар яратилишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий маърифий насри манбалари, бадиияти, тимсоллар олами, маноқибларда комил шахсият масаласи, буюк мутафаккирнинг насрий услуби, поэтик маҳорати кирралари бўйича эришилган илмий натижалардан:

истиқлол даври ўзбек адабиётининг ғоявий-бадиий, шаклий-услубий хусусиятларини Алишер Навоий поэтик кашфиётларига қиёсан тадқиқ қилишда Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарку Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил, 4 февралдаги 89-03-452-сон маълумотномаси). Натижада истиқлол даври ўзбек адабиёти поэтик тараққиётида мумтоз адабиёт анъаналарининг бадиий синтези муҳим аҳамият касб этганини асослашга эришилган;

рамзий-истиоравий ифодаларнинг комил инсон талқинидаги ўрни, мажозий ва ирфоний маъноларига оид бадиий матнлар таҳлили бўйича олинган натижалардан Ф-1-135 рақамли «Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий-услубий тадқиқи» мавзусидаги фундаментал

лойихада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил, 4 февралдаги 89-03-452-сон маълумотномаси). Натижада Алишер Навоий насри ва шеърятининг лисоний хусусиятлари, улуғ шоир асарлари тилига боғлиқ бўлган лексик ва семантик қатламлар таркибини аниқлаш, мумтоз матнга хос бўлган рамзий бирликларни таҳлил этиш каби қатор муҳим масалалар ўз исботини топган;

илоҳий қудратга юксак эътиқод Алишер Навоий фикр-қарашларининг мукаммалигини таъминлагани, етук инсон шахсига хос ақл-ирода, сабот ва чидам, шижоат ва жасорат фазилатларининг бадиий инкишофи учун кенг йўл очгани билан боғлиқ илмий натижалардан Ф1ХТ-0-19919 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги фундаментал лойихада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил, 4 февралдаги 89-03-452-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши бадиий ижодда типология, оғзаки ижод билан ёзма адабиётнинг ўзаро таъсири, шаклланиши, такомили, хусусиятлари ва қонуниятларини илмий баҳолаш имконини берган;

Алишер Навоий қаламига мансуб “Хамсатул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” маноқибларининг ғоявий-бадиий таҳлиliga оид илмий-назарий қарашлардан ИТД-1-098 рақамли «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил, 4 февралдаги 89-03-452-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар асосида Алишер Навоий адабий мероси ёш авлод тарбияси ва такомилида муҳим манба эканлиги хусусидаги илмий-назарий қарашларни бойитишга эришилган;

Алишер Навоийнинг насрий асарлари, маноқиблари таҳлилларидан А1-152 рақамли «Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил, 4 февралдаги 89-03-452-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар Алишер Навоий шахси, ҳаёт йўли, насрий услуги хусусидаги фикрларни тўлдириш ва янада аниқлаштириш учун асос бўлган;

тадқиқотдаги Алишер Навоийнинг “Хамсатул-мутаҳаййирин” асарида Абдурахмон Жомий образининг бадиий талқинига доир таҳлил ва қарашлардан Тожикистон Республикаси ҳуқуқ, бизнес ва сиёсат университетининг тожик тили кафедрасида 2016-2019 йилларда бажарилган фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Тожикистон давлат ҳуқуқ, бизнес ва сиёсат университетининг 2020 йил, 20 январдаги маълумотномаси). Натижада умуминсоний масалалар талқинидаги миллий, диний, маърифий қарашларни умумлаштириш; адабий алоқалар, ўзаро таъсир тарихини махсус ўрганиш, жомийшунослик ва навоийшуносликка оид тадқиқотлар яратиш юзасидан тўғри ва аниқ хулосалар чиқаришга эришилган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телеканалининг «Хайрли кун», «Тарихий савол» телекўрсатувларида

фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил, 16 январдаги 02 14 111-сон маълумотномаси). Натижада мустақил фикрли баркамол авлодни вояга етказишда Навоий насрий асарларининг беқиёс аҳамияти, темурийлар даврида фаолият кўрсатган ижтимоий тоифаларнинг ахлоқ-одоби, вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари хусусидаги фикр-қарашлар янада кенгрок оммалашшига йўл очилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та республика, 6 та халқаро конференцияларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 55 та илмий иш, жумладан, 2 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 34 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 287 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Алишер Навоий насрий асарларининг ғоявий-бадий хусусиятлари: биографик метод ва илмий-эстетик тамойиллар**» деб номланган ва уч фаслдан иборат. Тадқиқот марказида турган уч маноқибни Алишер Навоийнинг қаҳрамонлар шахсига, ижодига, фаолиятига биографик ёндашув методи бирлаштириб туради. Ҳар учала асар ҳам Алишер Навоий шахси, шахсий ҳаёти призмасидан ўтган ва натижада маноқибнинг улуғ мутафаккир салафларида ва халафларида кузатилмаган олмос қирралари кашф этилган. Ҳазрат Алишер Навоий уч маноқиб қаҳрамонларининг юксак хулқ-атворида, маънавий шижоатига, тафаккур жасоратига, руҳиятига уларнинг ҳаёт йўлини ёритиш орқали қараган. Ҳар учала асарда ҳам ижодкор билан қаҳрамонлари шахсидаги руҳий-маънавий уйғунлик ёрқин назарга ташланиб туради. Улуғ мутафаккирнинг нозик мизожи қирралари қаҳрамонларида зухурланганидек, Мавлоно Жомий, Мир Саййид Ҳасан, Паҳлавон Муҳаммад характерининг асосий жиҳатлари Навоий шахсида ҳам акс этади. Ҳазрат Навоийнинг пок

қалби, маънавий-руҳий дунёси, эътиқоди, орзулари, изтироблари, дарду аламлари ва ҳатто поэтик дунёси қаҳрамонлари образида синтезлашади.

Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари теран илоҳий ва илмий сарчашмалар заминида шаклланган. Шу жиҳатдан дастлабки фаслда **Алишер Навоий комил инсон ҳақидаги қарашларининг манбалари** ёритилган. Шарқ ислом мамлакатлари халқлари ҳаётининг барча жабҳалари, жумладан, илмий ва бадиий адабиётининг таянч ғоявий сарчашмаси Қуръони каримдир. Комил инсон, унинг фазилату солиҳ амаллари ҳақидаги қарашларида улуғ шоир шу илоҳий манбага таяниб иш кўради. «Ар-Раҳмон» сурасида Ҳақнинг инсонга ато этган неъматлари бир-бир эслатилар экан, биринчи ўринда Қуръони карим тилга олинади. Аллоҳнинг Муҳаммад алайҳиссаломга Жаброил фаришта орқали Қуръонни ўргатиши инсонни яратиш неъматидан ҳам устун қўйилади:

- | | |
|-------------------|-----------------------------------|
| 1. Ар-Раҳмон | Ар-Раҳмон (меҳрибон зот) |
| 2. Алламал Қуръан | Қуръонни таълим берди. |
| 3. Холақал инсан | (У) инсонни яратди ⁸ . |

Сураининг аввалида, Қуръонни ўргатиш неъматидан кейин одам яратилишининг зикр қилинишида инсон ўрганадиган нарсаларнинг энг улуғи Қуръон эканлигига, шахс камолотининг руҳий томонига ишора бор. Қуръон таълими туфайли инсон Аллоҳни танийди, ўзлигини англайди, борлиқнинг моҳиятига етади: «Қуръон, Инсон, Борлиқ бир-бирига ойнадир. Қуръон ва Борлиқ инсонни етуклаштиришга ва ўзлари бир ойна бўлишларига қадар тарбия қилади. Оқибат, инсон Қуръон ва Борлиқнинг ойнасига айланади, чунки етук инсонда Қуръон ва Борлиқ борича аксланади»⁹. «Аъроф» сурасининг 179-оятда «Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг кўпчилигини яратганмиз. Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан «англамайдилар». Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан «кўрмайдилар». Уларда кулоқлар бор, (лекин) улар билан «эшитмайдилар»¹⁰...», – дея зикр қилинади. Тарбия, руҳий камолот борасида қайғурган Шарқ мутафаккирларининг инсон ҳақиқати ва моҳияти хусусидаги қарашларининг манбалари мазкур ояти карималарда ўз аксини топган. Комил инсон муаммоси устида баҳс юритган тасаввуф тадқиқотчилари нафсга муносабат нуқтаи назаридан кишиларни инсони осий, инсони ноқис, инсони комил тарзида тасниф қилар эканлар, юқоридаги ояти карималар моҳиятига таянганлар.

Тасаввуф тадқиқотчиларининг ёзишича, комил инсон масаласига сўфийлардан биринчи аҳамият берган шахс Мансур Халлождир. Кейинчалик бундай қарашлар Ибн ал-Арабийнинг «Фусусул-ҳикам» ва Абдулкарим Гелонийнинг «Инсони комил» асарларида муфассалроқ талқин қилинди¹¹. Комил инсон тушунчасини истилоҳ сифатида илмий муомалага киритган Муҳйиддин Ибн ал-Арабий (1165-1240) ҳисобланади. Мансур Халлож ва Ибн ал-Арабийнинг айна масалага дахлдор назарияси Расулulloҳ (с.а.в)нинг

⁸ Қуръони карим. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. - Б. 531.

⁹ Mahmud Sadettin Bilginer. Allah ve insan. Istanbul, 1991. – S. 45.

¹⁰ Қуръони карим. - Б. 174.

¹¹ Ҳазратқулов М. Тасаввуф. – Душанбе: Маориф, 1988. – Б. 79.

«Албатта, Аллоҳ одамни ўз суратида яратди» ҳадиси заминида юзага келган бўлиб, улар инсон илоҳий сифатларга уйғун яратилган, дейдилар: «Оламнинг хулосаси бўлган Одамда Ҳақ ўз суратини, яъни сифат ва исмларини энг мукаммал шаклда мушоҳада этар»¹². Ибн ал-Арабий таъкидлашича, инсон олами суғродирки, унда олами кубронинг барча аломатлари мужассамланади. Ҳақ инсон қалбида тажаллий этади ва ўз-ўзини мушоҳада этади. Комил инсон Борлиқнинг кўзи, Холиқ ўз яратилмишларини шу кўз билан кўради: «Ҳақ инсонни комил билан кўрар, эшитар, билар...»¹³. Ибн ал-Арабий талқинларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, икки (илоҳий ва моддий) оламдаги вужуднинг барча ҳақиқатлари ва даражалари комил инсонда акс этади. Шундай экан, Илоҳнинг барча исму сифатларини ўзида акс эттириш билангина одам комил бўлмайди. Чунки инсон ҳам руҳий ва ҳам жисмоний олам билан мустаҳкам алоқадордир. Жисмоний олам – сурат, илоҳий олам – сийрат. Холиқ ва халқ биргадир. Икки оламнинг ташқи ва ички асрори инсонда пинҳондир. Комил инсон «Ҳақнинг нусхаси» бўлибгина қолмай, табиат тараққиётининг ҳам олий намунасидир. Инсон жисм ва руҳдан иборат вужуд бўлгани учун унинг хилқатлик сифатлари ҳам руҳи билан бирга даражама-даража тараққий этиб, такомиллашиб, мақомдан-мақомга юксалиб бориши илоҳийлик ва инсонийлик, лохутлик ва носутлик уйғунлашуви, жисм ва руҳ мутаносиблиги ҳосил бўлиши зарур. Инсон камолоти ўз ҳақиқатига етиш, ўз моҳиятини англаш билан бошланади. Инсон, энг аввало, ўзини ўрганиши, ўзини таниши зарур. Шунинг учун ҳам, «Ўз Раббингни таниш (билиш) учун ҳам аввал ўзингни тани (бил)», – деган ҳадис айтилган. Тасаввуф таълимотига кўра, ўз-ўзини таниш етук илму амал ҳамда риёзат маҳсулидир. Риёзат – руҳий-маънавий камолотни шакллантирувчи восита. Киши то қаттиқ риёзат чекиб, нафсини ислоҳ, шайтонни мағлуб қилмас экан, ўз вужудининг ҳақиқатини англай олмайди.

Бобнинг кейинги фасли «**Шарқ адабиётида комил инсон ва комил жамият талқини**» деб номланади. Унда комил жамият ва комил инсон масаласи барча замонларда ҳам ижодкорларнинг диққат марказида турганлиги «Сиёсатнома», «Қобуснома», «Чаҳор мақола», «Гулистон», «Баҳористон», «Маҳбубул-қулуб», «Ахлоқи Муҳсиний» каби асарлар мисолида далилланган. Ахлоқий қоида ва тамойиллар талқинига бағишланган ушбу асарларда эҳсон, саховат, адолат, тавозуъ, манманлик, жоҳиллик, бахиллик, тил одоби каби мавзуларнинг фалсафий-дидактик моҳияти у ёки бу ижтимоий тоифа ахлоқига боғланмасдан умумий бир ҳолатда очилади. Умуминсоний фазилатларни тарғиб қилиш ва ахлоқий иллатларни танқид қилиш орқали жамият аъзоларининг маънавий дунёсига таъсир қилиш ҳамда шу усул воситасида жамият вакиллари ахлоқида ижобий ўзгаришлар ясаб, идеал жамиятни барпо этиш назарда тутилади.

Инсоншунос Шарқ мутафаккирлари Унсурулмаолий Кайковус ҳам, Низомий Арузий Самарқандий ҳам, Алишер Навоий ҳам асосан баркамол касб эгасининг ўз орзу-мушоҳадаларидаги, тасаввурларидаги

¹² Ahmed Ayni Konuk. Fusuṣu'l-hikam tercume ve serhi III. Hazirlayanlar dr. Mustafa Tahrali, dr. Selcuk Eragdin. – Istanbul, 1990. – S. 22.

¹³ Ahmed Ayni Konuk. Fusuṣu'l-hikam tercume ve serhi I. Istanbul, 1987. – S. 62.

(муаллифларнинг ахлоқий комиллик мезонига кўра) сиймосини яратганлар. Навоий «Маҳбубул-қулуб»ининг мазкур асарлардан фарқи шундаки, унда ахлоқий масалаларнинг ҳар иккала қутби (ижобий ва салбий) манзаралари муфассал қаламга олинган. Инсоний хислатларнинг қайсилари фазилат, қайсилари иллат эканлиги уқтирилиб ёки хулосалар шаклида қайд қилиниб ўтилмаган, балки теран бадиий талқин қилинган. Ахлоқий фазилатлар ва қусурлар инсон руҳиятининг манзараларидан келиб чиқиб таҳлил этилган.

Анъанавий мавзуни четлаб ўтиб, Алишер Навоийнинг уч маноқибда салафлари ижодида кузатилмаган, яъни муаллифнинг ахлоқий баркамоллик мезонига биноан бутун бир тоифанинг умумлаштирилган тимсоли мисолида эмас, балки аниқ шахслар, адиб замондошларининг образини бадиий талқин қилиш орқали комил инсоннинг тўлақонли тимсолини яратганлиги хусусида асосли мулоҳаза юритиб бўлмайди. Маноқибларнинг ғоявий-бадиий қимматини аниқлаш, янгилигини тайин этиш, ўзбек миллий тафаккурига таъсирини ёрқин сатҳда кўрсатиш учун ҳам муаммонинг эслатилган қиррасини ёритиш талаб қилинади. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, улуғ мутафаккирнинг «Маҳбубул-қулуб» асаридаги комил инсоннинг фазилату солиҳ амаллари ҳақидаги қарашлари салафлари пандномалари билан муқояса қилинган ва маърифий манбанинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Бобнинг учинчи фасли «**Маноқиб жанри ва Алишер Навоий «Ҳолот»лари**» деб номланган. Узоқ тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимизнинг турли масалалари борки, улар, бир жиҳатдан, халқимизнинг миллий менталитети билан алоқадор бўлса, иккинчи жиҳатдан, бошқа халқлар адабиётидаги муаммолар билан типологик хусусият касб этади. Мумтоз адабиётимиздаги жанрлар, уларнинг адабий жараёнда ўрин топиши ва амал қилиши ҳодисаси ана шундай муаммолар сирасига дахлдордир. Бу муаммо бугунги кунда ҳам назарий ва амалий жиҳатдан долзарбдир. Айрим илмий тадқиқотларда, монография ва дарсликларда Алишер Навоийнинг маноқиб жанрида яратилган асарларига нисбатан турли атамалар, номлар қўлланилиб келади. Мумтоз жанр табиатининг, поэтик хусусиятларининг нотўғри идрок этилишига сабаб бўлувчи бундай терминологик чалкашликларни бартараф этиш адабиётшунослик тараққиёти учун муҳим экани исбот талаб қилмайди. «Ғиёсул-луғот» шарҳига кўра «**Манқабат**» атама сифатида **Аллоҳ Пайғамбарининг аҳли байти ва халифаю саҳобаларининг таъриф таҳсинига бағишланган асарни англатади**¹⁴. «Фунунул-балоға»дан бу ҳақда ўқиймиз: «**Ва хулафойи рошидийни таъриф қилсалар, маноқиб ва манқабат дерлар**»¹⁵. Пайғамбарга (с.а.в.) бағишланган сийралардан кейин маноқибларнинг яратилиши ўз-ўзидан юзага келмаган. Фикримизча, Расули акрамнинг (с.а.в.) қуйидаги ҳадислари маноқиб жанрининг юзага келиши ва шаклланишида маънавий замин вазифасини бажарган: «Ҳақ таоло дўстларимни бутун инсонларга фазилатли қилиб яратган. Бу дўстларим ичида тўрт киши – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алининг фазилатларини юқори этди. Уларни дўстларимнинг энг яхшиси қилди».

¹⁴ Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс-ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе: Адиб, 1988. – Саҳ. 203.

¹⁵ Тарозий, Шайх Аҳмад Худойдод. Фунунул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. № 1. – Б. 76.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : أصحابي كالنجوم بأيهم اقتديتم اهتديتم

«Менинг суҳбатдошларим (дўстларим) юлдузларга ўхшайдилар. Ҳар кимки уларга издошлик қилса, тўғри йўлда бўлади». Хулафойи рошидийнга бағишланган маноқиблар давр маънавий эҳтиёжининг талаби, Пайғамбар (с.а.в.) ишорати билан майдонга келди. Бу борада Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари муҳим ҳужжат, методологик дастур вазифасини ўтади. Кейинги даврларда яратилган маноқибларда машойиху авлиёуллоҳларнинг таърифланиши ҳам Пайғамбар (с.а.в.) кўрсатмасига, ҳадислар ҳукмига асосланади: «Умматим уламози бани исроил олимлари кабидир». «Уламо Пайғамбарлар ворисидир»¹⁶. Адабий ижод тажрибасида маноқибларнинг мавзу кўлами, образлар дунёси кенгайиб борган. Худди шундай гапни бундай асарларнинг ифода шакли хусусида ҳам айтиш жоиз.

Арабшунос олим Аминжон Аҳмаджонзоданинг талқинига кўра, маноқиб эсдаликка мансуб асар бўлиб, дин пешволари ва тасаввуф намояндаларининг шарҳи ҳоли, амаллари, сифатлари таърифига бағишланади. Дастлабки маноқиблар ўн икки имом, Ҳазрат Али ва унинг авлодларига аталган эди¹⁷. Араб адабиётидаги маноқибнавислик мусулмон минтақа халқлари бадий сўз санъатига кучли таъсир кўрсатди ва уларда ҳам шундай асарларнинг пайдо бўлиши учун замин ҳозирлади. Кейинги даврларда маноқибчилик анъанасида яратилган асарларда комил инсон сиймосига бўлган маънавий эҳтиёж самараси ўлароқ тариқат пирлари, машойиху авлиёларнинг ҳаётлари ҳикоя қилина бошланган.

Халифаларга бағишланган маноқибларнинг дастлабки намуналарида тарихийлик сақланган, чунки хулафойи рошидийн ҳаётидан келтирилган лавҳалар воқеа олинган даврга нисбатан яқин бўлган. Араб дунёсида яратилган Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқнинг فضائل الخلفاء الأربعة («Фазоил ул-хулафоил арбаъа»), Хойсама ибн Сулаймоннинг فضائل الصديق («Фазоил ус-Сиддик»), Али ибн Муҳаммад ал-Воситийнинг مناقب علي بن أبي طالب («Маноқиб Али ибн Аби Толиб»), Ибн Қудоманинг منهاج القاصدين في فضل الخلفاء الراشدين («Минҳож ал-қосидин фи фазли ал-хулафоир-рошидийн»), Шамсиддин Абул Баракот Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Боунийнинг جواهر المطالب («Жавоҳир ул-матолиб фи маноқиб Али ибн Аби Толиб») каби асарлари маноқибнинг дастлабки нодир намуналари ҳисобланади.

Даврлар ўтиши, воқеалар юз берган тарихдан узоқлаша борган сари тарихий далиллардан чекинилиб, бадий тўқимага, муболағага, хаёлотга, мўъжизакорликка эрк берила бошлаган. Афсоналар, одамлар тасавуридаги армоний лавҳалар, ёлғон ҳикоялар маноқиблар мундарижасидан ўрин олган. Аммо кейинги асрларда ҳам тариқат пирлари ҳаётига холисона, одилона ёндашиш асосида ҳам маноқиблар яратилган. Шундан бўлса керак, В.В.Бартольд, В.П.Вяткин, П.П.Иванов, И.П.Петрушевский каби машҳур шарқшунос олимларнинг тадқиқотларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётни ёритишда маноқиблардан тарихий манба сифатида истифода этилади. Шарқшунос олим Б.Ахмедов юқорида номлари тилга олинган

¹⁶ Навоий А. Насойимул-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 14.

¹⁷ Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 2. – Душанбе, 1989. – Саҳ. 153.

олимлардан айримларининг ишларини таҳлил қилар экан, маноқибларнинг юртимиз тарихини ўрганишда ҳамда тасаввуф шайхларининг таржимаи ҳолини тиклашда муҳим манба эканлигини қайд қилади¹⁸.

Ўрта асрларда ижтимоий-маданий муҳитда кенг ўрин тутган қиссахонлар юқорида айримлари саналган унсурларнинг маноқиблар мундарижасидан мустаҳкам ўрин олишига кучли таъсир ўтказган. Араб адабиётида «**маноқиб**» атамаси билан юритилган бундай асарлар форс-тожик ва туркий халқлар адабиётида кўпроқ «**қисса**» номи билан машҳур. Баъзида асл муаллифи ҳам унутилиб, қиссахонлар талқинида афсонавийлашиб, ўзгаришларга учраб, ишонини қийин бўлган лавҳалар билан тўлишиб, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга кўчган. «Футувватномаи султоний»да қиссахонлар фаолияти алоҳида сарлавҳа остида ёритилар экан, аждоқларнинг ибратли ҳаётини ривоят қилишда тўқимачиликка йўл қўйиш айтувчи учун гуноҳ эканлиги, ёлғон ва ишонарсиз сўзлар қиссахонни элнинг назаридан қолдириши алоҳида таъкидланади¹⁹. «Ҳайратул-аброр»да «Сўзда, Навоий не десанг чин дегил», – дея айна масалага ўз эстетик қарашини очиқ ва ойдин ифода этган Алишер Навоий қиссахонлар фаолиятига ғоятда кескин муносабатда бўлган. Тингловчиларни ўзига ром қилиш мақсадида тўқимачиликка ва ёлғонга ружуъ қилган қиссахонни «Маҳбубул-қулуб»нинг мазкур ижтимоий тоифа талқинига бағишланган 23-фаслида туя қумалоғини қоғозга ўраб қанд деб пулловчи олиб сотарга ташбеҳ қилинади²⁰. Шундай экан, улуғ адабиётшунос ва санъатшуноснинг маноқиб жанрига муносабатини ҳам унинг эстетик қарашлари моҳиятидан келиб чиқиб баҳолаш керак бўлади.

XV аср ўзбек адабиётида маноқибчилик анъанасининг ижобий фазилатларини Алишер Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарларида кўриш мумкин. Академик Б.Валихўжаев бу уч асарнинг жанрини «маноқиб-ҳолот» деб белгилайди²¹. Олим «маноқиб» ва «ҳолот» адабий тушунчаларига бир-бирига муқобил истилоҳлар тарзида қарайди. Навоийшунос олима С.Ғаниеванинг қатъий хулосасига кўра, бу «Учала асарни мемуар-биографик жанрнинг ёрқин намуналари дейиш мумкин»²². Е.Э.Бертельс Алишер Навоий ижодий биографияси ёритилган «Навоий» монографиясининг охирида улуғ мутафаккир асарларининг рўйхатини илова қилар экан, «Ҳолот»ларнинг номини «Манакиб-и Саййид Ҳасан-и Ардашер», «Манакиб-и Паҳлавон Муҳаммад» тарзида беришни маъқул кўрган²³. Профессор Н.Комилов фикрича ҳам «Мазкур асарлар ўша замонларда кенг тарқалган маноқиб жанрида битилган»²⁴.

¹⁸ Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 255-269.

¹⁹ Кошифий Ҳ.В.Футувватномаи султоний. Ахлоқи Муҳсиний. Рисолаи Ҳотамия. – Душанбе, 1991. – Саҳ. 99-100.

²⁰ Навоий А. Маҳбубул-қулуб. МАТ. 14-жилд. – Тошкен: Фан, 1998. – Б. 32.

²¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X–XIX асрлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983. – Б. 26.

²² Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, 2- том. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 397.

²³ Бертельс Е.Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – Стр. 269.

²⁴ Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон, 1999. - Б. 101.

«Абушқа» (XVI асрнинг I ярмида яратилган) муаллифи луғатга киритилган сўзлари ҳақида мулоҳаза юритар экан, Алишер Навоийнинг йигирма тўққиз асари номини рақам қилади. Ўша рўйхатда улуғ мутафаккир «Холотлар»и «Маноқиб Мир Саййид Ҳасан», «Маноқиб Пахлавон Муҳаммад» тарзида қайд қилинган²⁵. «Хамсатул-мутаҳаййирин»нинг «Муқаддима»гача бўлган қисмида, ҳамду наът ва саловотдан кейинги дастлабки жумлада Алишер Навоий асарнинг жанрини аниқ ва тиниқ қилиб кўрсатган: «Олий ҳазрати валоят **манқабати...**»²⁶.

Маноқиб мемуар-биографик жанрдан тубдан фарқ қилиб, унда илоҳий-ирфоний ғоялар етакчилик қилади ва қахрамонлар ҳаётининг айни қиррасига кўпроқ урғу берилади. Маноқиб маърифий тафаккур билан йўғрилган ва кишиларда маърифий туйғуни тарбиялаш, инсонларга чинакам илоҳий-ирфоний ахлоқни сингдиришга йўналтирилган асардир.

Тарихий далиллардан узоқлашиш, афсонавийлик маноқиб жанрининг хос хусусияти эмас. Асарда бундай унсурларнинг бор ёки йўқлиги маноқиб ёзилган давр ҳамда муаллифнинг мақсади ва ғояси билан алоқадордир.

Жанрнинг хос хусусияти асарнинг валийсыйрат инсонга бағишланишида, унинг хулқи, суҳбати, заковати, иши ва сўзи бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилишидадир. Жанрнинг хос хусусиятлари Алишер Навоий қаламига мансуб уч маноқибнинг ҳар бир саҳифасида ёрқин намоён бўлиб туради.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Маънавий йўлбошчининг беш комиллик сифати талқинида нақшбандия таълимоти ғоявий асослари**» деб номланган ва тўрт фаслдан таркиб топган. Бобнинг биринчи фасли «Хамсатул-мутаҳаййирин» ҳамду наътларида инсон камолоти масаласи таҳлилига бағишланган. Атоқли олимларимизнинг қатъий хулосаларига кўра, Алишер Навоийнинг асарларида ғоявий мутаносиблик уларнинг алифбосидан ибтидо топади. Улуғ адиб ҳар бир асарининг муқаддимаси шу асарнинг мундарижасига тўлиқ мувофиқ келади. Масалага айни нуқтаи назардан қаралса, «Хамсатул-мутаҳаййирин» туғросини асар мундарижаси билан боғлаб ўрганиш зарурати ўз-ўзидан юзага чиқади.

Алишер Навоийнинг бошқа насрий асарларига ҳажман каттагина ҳамду наът битилгани ҳолда, «Хамсатул-мутаҳаййирин» муқаддимасида Аллоҳ ва Расулulloҳ (с.а.в.) мадҳига икки рубоий бағишланган:

Ул **Олими алломға** юз ҳамду сано –
Ким, Одам ила тузди чу бу дайри фано.
Илмиға милк сурмоди бир ҳарф яно,
Жуз нукта «**субҳонака ло илма лано**».

Юз наът ангаким, хулқи карим ўлди фани,
Яъники, **карам** кони расули мадани.
Мундоқ деди илм аҳлини айларға ғани:
«**Ман акрома олиман фақад акрамани**»²⁷.

²⁵ Ҳасанов Б. «Абушқа»нинг янги қўлёзма нусхаси. // Адабий мерос. 1978. № 10. - Б. 90.

²⁶ Навоий А. Хамсатул-мутаҳаййирин. МАТ. 15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б. 7.

²⁷ Навоий А. Хамсатул-мутаҳаййирин. МАТ. 15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б. 7.

Маноқиб жанрида битилган ҳамда мақсад-вазифасига кўра «Хамсатул-мутаҳаййирин» билан бир хил йўналишда бўлган «Ҳолот»ларда эса ҳамду наът йўқ. Назаримизда, «Хамсатул-мутаҳаййирин»даги шаклан ихчам, аммо мазмунан теран ҳамду наът расман ҳар учала насрий асарга ҳам дахлдор бўлиб, уларни ғоявий жиҳатдан бирлаштириб, мантиқан яхлитлик касб этади. Илмли, юксак маърифий сифатларни эгаллаган, маънавий дунёси бой баркамол инсон тарбиясини назарда тутгани ва асар асосида шундай етук инсон тимсоли турганлиги «Хамсатул-мутаҳаййирин»нинг дастлабки сатриданок аён бўлади. Жанр табиати ва бадий ғоя тақозосидан келиб чиққан муаллиф Ҳакнинг чексиз исм ва сифатларидан «**Олим**»га эътиборни тортиш, Аллоҳнинг ҳар жиҳатдан мукаммаллигига биргина далил келтириш билан чекланади. **Илм** ва **олимлик** Мавлоно Жомийнинг **беш комиллик** сифатидан биринчиси, жибиллий фазилати эканлиги бутун асарнинг ғоявий-бадий мундарижасини ташкил этади.

Асарнинг «Ҳамд» қисми «Бақара» сураси, 32-ояти каримасини аслиятда келтириш билан хотима топган. Улуғ мутаффақир Илоҳий китобнинг мазкур оятдан маноқиб мантиғи, ўз ғоявий-бадий мақсадига мос ҳолда фойдаланган. Тўртинчи мисрада келтирилган ояти кариманинг зарур қисми фикр ва бадий тасвир изчиллигига мувофиқ тушгани ҳолда, шеърдаги қофиялар билан ҳам узукка кўз қўйгандек мос келган: «сано» – «фано» – «яно» – «лано». Илоҳий каломнинг сиру сеҳру садоси бежирим сақланган ҳамда таронаи рубоийда қофиянинг эънотли тури амал қилган. «Хамсатул-мутаҳаййирин»нинг «Ҳамд» қисми асар мундарижасига ҳар жиҳатдан уйғун. «Ҳамд»да ҳазрат Жомийнинг «аъмолу афъол»ига хос иккинчи ва учинчи сифатлар – **тавозуъ ва сидқ** – фаришталар тимсолида бадий талқин этилган. Айни сифатлар асарнинг асосий қисмида улуғ аллома, муршиди комилнинг сийрати, таржимаи ҳолига оид лавҳаларни ёритиш асосида санъаткорона далилланган.

Асарнинг «Наът» қисмини ёзишда ҳам маноқиб жанрининг хос хусусияти муаллиф назарида турган. Устози Жомийнинг улуғ шоирни ҳайратлантирган тўртинчи сифати – «**хилм**», бешинчи сифати – «**сабр**». «Наът»да бу икки фазилат нубувват аломати сифатида талқин қилинган. «Ҳамд» ва «Наът»даги ҳажмий мослик ва ихчамлик, далиллаш санъати (Аллоҳнинг «олим»лик сифати оят, илмнинг мавқеи ҳадис келтириш билан асосланган) ва талмеҳни қўллашдаги таносиб, маъновий яқин ёки бири-бирини тақозо қилувчи сўзлар («олим», «аллом», «илм», «ҳарф», «нукта»; «карим», «карам», «акрам»)нинг матн ичида келиши, тавсифда айрим сўзларнинг бежирим такрори («юз ҳамд», «юз наът») муаллиф айтмоқчи бўлган фикрнинг гўзал бадий ифодасини ҳамда асар ғоясининг тўғри идрок этилишини таъминлайди.

Бобнинг «**Баркамол инсон: шахсият, бадий образ ва талқин**» деб номланган иккинчи фаслида Алишер Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин» асари таҳлилга тортилган ва Абдурахмон Жомий комил инсоннинг ҳаётий тимсоли эканлиги бадий парчалар мисолида далилланган. Бинобарин, унда баркамол инсон ахлоқига хос илм ва **олимлик**, **тавозуъ** ва адаб, **сидқ** ва тўғрилиқ, **хилм**нинг ғазабдан ғолиб келиши, нодоннинг жаҳолатидан

сабрнинг зиёда бўлиши билан боғлиқ қарашлар орқали улуғ Жомийнинг **беш** сифати очиб берилган. Қолаверса, хожагон тариқатига мойиллик, оқиллик, мулоҳаза юритиш ва тафаккур жасорати «Хамсатул-мутаҳаййирин»нинг ҳар бир саҳифасида муҳрланган. Ҳазрат Жомийнинг ишлари ва сўзлари, суратлари ва сийратлари хожагон сулукининг қонун-қоидаларига, рашҳаларига («Хуш дар дам», «Нигоҳдошт», «Ёддошт») ҳар жиҳатдан мувофиқлиги маноқиб таркибидаги ҳикоятлар ҳамда «Муқаддима» ва «Хотима»даги қайдлар таҳлили орқали ёритиб берилган.

Алишер Навоий «Хамсатул-мутаҳаййирин»да баркамол инсон образини яратишда насрий асарларида кўп кузатиладиган усул – Қуръони мажиддаги каби икки қарама-қарши ҳодисани ёнма-ён ифодалаш услубидан моҳирона фойдаланган. «Хамсатул-мутаҳаййирин» биринчи мақолатидаги ўнинчи ҳикоятда Жомий ва Соғарий тимсоллари параллел келса, ўн биринчи ҳикоятда хусусиятларига кўра қарама-қарши кутблардаги Навоий ва Соғарий образлари тасвир асосида туради.

Беш қисмдан иборат «Хамсатул-мутаҳаййирин» мақолатларининг ҳар бири ўз вазифасига эга. Аммо улардан кузатилган мақсад муштарак: илм ва амал бирлиги, тавозуъ ва камтаринлик, ҳилм ва сабр, сидқ ва ростлик, адолат ва холислик каби фазилатларни юксак даражада кадрлаган ва уларнинг олий намунасини ўз фаолияти, ҳаёт тарзи, шахсий ибратида намоён қилган Нуриддин Абдурахмон Жомий маънавияти нури, илоҳий маърифати чашмасидан авлодларни манфаатдор қилиш истаги Алишер Навоий кўлига қалам тутқазган. Мавлоно Жомий яратган асарларгина эмас, Махдуми Нуран ҳаётидан олинган ҳар бир кичик лавҳа Алишер Навоий талқинида катта ахлоқий-тарбиявий, бадий-фалсафий моҳият касб этган. «Хамсатул-мутаҳаййирин» «Муқаддима»сини синчиклаб ўрганиш натижасида Абдурахмон Жомий ҳаётида жазбанинг сулукдан олдин келгани, унинг мажзуб солиқлардан эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам бобнинг «**Ишқ – комиллик йўлининг асосий мазмуни**» деб аталган учинчи фасли бошдан аёқ Ҳазрат Боҳоуддин Нақшбанд маслагини ичдан нурлантириб турган *جذبة من جذبات الحق توازي عمل الثقلين* («Одамзод ва жин-парининг амали учун Ҳақнинг жазбалари – тортишларидан бир тортиш кифоя») ҳадисининг, рухий-шуурий таважжухнинг Нуриддин Абдурахмон Жомий тимсолидаги ҳаётий талқинини ёритишга йўналтирилган.

«Муқаддима»даги ишоралар, нозик қайдлардан аён бўладики, Абдурахмон Жомий туғма жазба теккан, зоҳирий сабаби номаълум восита билан Ҳаққа унсият касб этиб, ундан кейин сулукка кириб, камолга етган нажиб инсон: «Чун аларға биззот (зотий, аслий) машраби тавҳид воқеъ бўлғондир...»²⁸. Ихчам ифода матлубнинг Махбубга қўшилганлигига, иккиликнинг йўқолганлигига, тавҳидга эътиборни тортади. «Хамсатул-мутаҳаййирин»дан келтирилган жумланинг давоми илоҳий оламга қўшилган, ўз истакларини буткул фано ўтида куйдириб, Илоҳ сифатлари билан безанган Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг руҳияти манзараларини ёритади. Ўз вужудини Ҳақ вужудида маҳв айлаган, Ҳақ бақосида ўзлигини қайта топган

²⁸ Навоий А. Хамсатул-мутаҳаййирин. МАТ. 15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б.11.

комил инсон дунёга кўнгил кўзи билан қараб, борлиқдаги мавжудотларда Ҳақ жамолининг аксини кўради. Ошиқи пок Ҳусни мутлакни кўргач, Ҳақ ҳусни беҳудлиги натижасида ўзлигидан айрилиб, хайратга чўмади. Ҳақ ҳусни мушоҳадасидан қалбида пайдо бўлган завқу сурурни, илоҳий маърифатни «назм либосида» оқ қоғоз бағрига сочишдан ўзга илож топа олмайди. Фақат шу йўл билангина илоҳий жунун («машраби тавҳид») жўш урган кўнгил таскин топиб, Маҳбуб жамолига талпинган юрак ором олади. Алишер Навоий талқинича, ана шу жазба – илоҳий ишқ туфайли Абдурахмон Жомий шеър ёзишдан ҳеч қачон холи бўлмаган. Мумтоз шеърятнинг барча жанрларида нодир асарлар яратган. Шеърини китоблар тасниф қилиш, девон яратиш анъанасини ҳадди аълосига кўтарган.

Кўнгилни сўфиёна завқу шавқ қамраб олган дамларда – фано мақоми ҳолатида шеърят Мавлоно Жомийга мададкор бўлган. Ўз навбатида, илоҳий ишқ маърифат сувига қондирилган сатрлар умрбоқийлигини тайин этган: «Ва бу ҳол доғи аларға одоби тариқатдаким, тасаввуфда боиси фано бўлғай, кўп мадад берур эрди»²⁹. Мазкур жумладан кейинги сатрларда Аллоҳ жамоли хайратидан ўз вужуди – борлигини буткул унутган, ўзидан хабар ва ўзлигидан асар қолмаган шайхи муршиднинг **ҳол мартабаси**даги руҳияти манзаралари қаламга олинади. Илоҳий жазба теккач (сукур ҳолатида), мушоҳада ҳушсизлиги сабабли Ҳақдан ўзга барча нарсалардан ажралиш, ғайриодатий, қаландарона, дарвешона, мажнунона хулқ-атвор Мавлоно Жомийда ҳам содир бўлган. Аммо одамлар соҳибкамол инсондаги бу «**ҳолот**»ларни зоҳирини ишққа йўйиб, пири комилнинг асл мақсадидан беҳабар қолишган. Фано мақомига етганликлари – илоҳий ахлоққа эришганликларини имкон қадар элдан яширишга, ташқи кўринишдаги хатти-ҳаракатлар, муомала-муносабатлар билан асл моҳиятни беркитишга ҳаракат қилганлар. Чунки кўнгли Ҳақ ёди била тўлиқ, илоҳий сирлардан хабардор, фақру фано мақомига етган комил инсон ўз эътиқодини кўз-кўз қилмайди. Мутлақиятга кўшилган, кайҳону фалак асроридан хабар келтирувчи инсони комил Ҳақ ила яқинлигу сирдошлик истаса, тавҳиддан сўз очмаслиги даркор.

Иккинчи бобнинг «**Манокибда рамзий-истиоравий ибораларнинг ўрни**» деб номланган тўртинчи фаслида «Хамсатул-мутаҳаййирин»даги энг мураккаб маъноли матнлар герменевтик ва структурал метод асосида таҳлил қилинган. Рамзий-истиоравий ибораларнинг етук (комил) инсон талқинидаги ўрни, мажозий ва ирфоний маънолари очилган. Тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келган бундай матнларда фақат Навоийгагина хос савқи табиий туфайли ўнлаб варақларда ифода этилиши маҳол бўлган моҳият биргина жумлада акс этади: «Яна бири «Шавоҳидун-нубувват» муқобала қилилибтурким, алфози иймон жўйбори ашжорин яқин анҳори била сероб ва маонийси ийқон ашжори асморин таҳқиқ саҳоби амтори билан шахди ноб этар»³⁰. «Шавоҳидун-нубувват» ғоявий манбаи, яратилиш тарихи ва муаллифи маҳорати ихчам жумлада уйғунлашган. Фикр рамзий-истиоравий тарзда ифодаланяпти. Унда истиоранинг узлуксиз, чамбарчас боғланиб кетган тизмаси мавжуд. «Иймон ашжори дарахтлари», «яқин анҳори»,

²⁹ Навоий А. Хамсатул-мутаҳаййирин. МАТ. 15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б.13.

³⁰ Навоий А. Хамсатул-мутаҳаййирин. МАТ. 15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б.72.

«ийқон ашжори асмори», «тахқиқ саҳоби амтори», истиоралари мусажжаъ унсурлари (сероб-ноб) билан бирга фикрнинг лафзий латофати, оҳангдорлиги, жозибаторлигини таъмин этган. Моҳият ана шу оҳанг ва жозоба билан кўшилиб, қуйилиб шеърини санъатнинг нозик, сеҳрли торидан сизиб чиқади. «Шавоҳидун-нубувват» замиридаги туб маъно, бош ғоя ва унинг фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-маърифий кўлами сажънинг биринчи қаторидаги икки истиора орқали берилган.

«Иймон дарёси» – кўнгил, «иймон дарёсининг дарахти» – Тавҳид дарахти, «яқин анҳори» истиораси Илоҳ маърифати маъносига эга. «Шавоҳидун-нубувват» қалбдан кибр, риё, ёлғон, кин-ҳасад, бадгумонлик каби “бегона ўтлар»ни юлиб ташлаш, кўнгилдан залолат ва жаҳолат тиканини суғуриб олиш, иймон бўстониغا Тавҳид дарахти уруғларини сепиб, уни маърифат сувига («яқин анҳори») кондириб ўстириш, шайтон хуружларидан ҳимоя қилиб, камолга етказишда дастуриламалдир. Сажъли жумланинг иккинчи қисмидаги истиоралар «Шавоҳидун-нубувват»нинг яратилиш тарихи ва Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг бадий санъаткорлиги масалалари хусусида баҳс қилади. Алишер Навоий биринчи истиорани «аниқ билиш, ишониш»лик маъноларини англатувчи «ийқон» сўзига дарахт ва унинг ҳосили (меваси) маъносини англатувчи «ашжори асмори» бирикмасини кўшиш билан ҳосил қилади. Иккинчи истиора эса «бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириш, суриштириш, аниқлаш» мазмунидаги «тахқиқ» сўзининг «саҳоб» (булут) ва «амтор» (ёмғир) калималари билан ташбиҳий муносабатда бўлиши орқали юзага чиқади.

Алишер Навоий мазкур истиоралар орқали «Шавоҳидун-нубувват» нинг ишончли, замини мустаҳкам манбалар асосида яратилганлигини таъкидлайди. Расули Акрам (с.а.в.) ва бошқа пайғамбарлар ҳаёти, ахлоқи, фаолияти, мўъжизоти манзараларини ойдинлаштирувчи маълумотлар чуқур мантиқий мушоҳададан ўтказилганлиги, ҳазрат Жомийнинг шубҳага ўрин қолдирмайдиган далиллар шоҳидлигида иш кўрганлиги хусусида ёрқин тасаввур уйғотади. Жумла яқунидаги «шаҳд» (асал), «ноб» (тоза, тиник, соф) сўзлари юқорида келтирилган рамзий-истиоравий иборалар мазмуни билан уйғунлашиб тарихий маълумотлар, илоҳий ривоятлар, ақидалар, қарашларни ўз давридаги ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия, ахлоқ мезонларига оид тасаввурлар заминида акс эттирган Жомий қаламининг сеҳрга, мўъжизаларга қодир эканлигини намойиш қилади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Дарвешлик - маърифат ва ҳурлик маслагининг баркамол инсон қиёфасидаги ифодаси**» тарзида сарлавҳаланган ва уч фаслдан таркиб топган. Бобнинг биринчи фасли «Дарвешлик маслаги баёни: моҳият, сурат ва сийрат масалалари» талқинига бағишланган. «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» маноқиби таҳлилига киришишдан олдин муаллиф улуғ адибнинг дарвеш шахси, иймон-эътиқоди хусусидаги мушоҳадалари билан мухтасар таништиради. «Маҳбубул-қулуб»нинг «Дарвешлар зикрида»ги фаслидан аён бўлишича, дарвеш Аллоҳни таниган, Аллоҳга етган, Аллоҳ розилигини топган кишидир: «Дарвеш улдурким, бўлғай ризоандеш...»³¹. Тариқат йўлига киришдан ҳам

³¹ Навоий А. Маҳбубул-қулуб. МАТ. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – Б. 46.

мақсад шу, яъни ирфон соҳиби бўлмоқдир. Маърифат, ботиний илм тариқат ҳосиласидир.

Манманлик – инсон табиатидаги бедаво касаллик, барча разилликлар боши. Дарвеш ўз жисмини мислсиз қийноқлар гирдобига ташлаш, нафс хоҳиш қилган нарсалардан тортиниш билан бу иллатдан қутулиб, зоҳиру ботинини сафо нури билан ёритади. У қаттиқ курашлар оқибатида ички, хавфли душман – нафс қуршовидан чиқиб, фақр йўлига киради. Ҳаққа етади. Илоҳ нурига ғарқ бўлиб, «Қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўрин»да («Қамар» сураси, 55-оят) ором топади: «Аноният ғилзатиға қотик риёзатлар била сафо бермиш бўлғай ва нафсоният шиддатидин азим мужоҳадалар била чиқиб, фақр тариқиға кирмиш бўлғай ва фано дорул-амони жамоатхонасиға етмиш бўлғай»³². Дарвеш «Халқ ризосидин Ҳақ ризосиға толиб» (Навоий) комил инсондир. Унинг назарида Ҳақдан бошқа барча мавжудотлар йўқликка маҳкум, фақат Аллоҳгина боқий: «Ҳиммати назарида мосиволлоҳи номавжуд, балки вужуди мутлақдин ўзга барча нобуд»³³. Аллоҳдан ўзгага ҳожатманд бўлмаган, жисм ва жон кайғусидан кечган дарвеш кўрқинч ҳиссидан озод бўлади: «Агар оллида шери жаён юзланса, анга мўрча келмагай ёмон ва агар пили дамон учраса, ул ҳамон бўлғай ва пашша ҳамон»³⁴. Алишер Навоий ғоявий-бадий мақсад ифодасига кўра «шер», «мўр», «фил», «пашша» тимсолларига кўп мурожаат қилади. Улуғ адиб асарларида мазкур мажозий тимсоллар бир хил мавзуни турли ўринларда ғоявий-бадий жиҳатдан тўлдириб, такомиллаштириб келади. Баъзи ҳолатларда эса бадий тимсоллар бир хил бўлгани ҳолда улар амал қиладиган ҳаёт ҳодисаси ва маънавий-маърифий муаммонинг мавзуи ўзгаради. Бир хил тимсоллар турлича ғоя ва ахлоқий-фалсафий хулосаларга асос бўлиб келади. Дарвеш – олижаноб инсоний фазилатлар хазинасидир. У ўзини эмас, Ҳақни, Ҳақиқатни, Халқни севади. **Улуғу кичикка хизмат ҳузурида туради.** Дарвешнинг хизмати **беминнат, бетакаллуф**дир. Алишер Навоий бун муболаға, истиора, ташбиҳ санъатлари воситасида ўта ихчам ва ёрқин акс эттирган. Улуғ шоир тасвирича, **куёш ва ой** дарвешнинг ҳиммати гулшанидаги **икки япроқ**дир:

Меҳр била бадр манозил навард,
Лутфлари гулшанида икки вард³⁵.

Маломатий дарвеш ички дунёсидаги гўзал сифатларни элдан яширин туттади. Улуғ адиб маноқибларида тариқат талаби ва солиқ даражаларини ҳаётий образлар воситасида шарҳлайди. Маърифат, ҳақиқат босқичларига алоқадор хусусиятларни таважжух, зикр, ишқ талқинига бағишланган тафсилотлар мағзига сингдиради.

Бобнинг иккинчи фасли **Сайид Ҳасан Ардашер тимсолида жамият ва комил шахсият муносабати** масалалари таҳлилига бағишланади. Алишер Навоий талқинича, инсон табиатидаги ақлий камолот ва ахлоқий баркамолликнинг таянч омилларидан яна бири – **илмга эътибор**дир. Бундай

³² Навоий А. Махбул-қулуб. МАТ. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – Б.46.

³³ Навоий А. Махбул-қулуб. МАТ. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – Б. 46.

³⁴ Навоий А. Махбул-қулуб. МАТ. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – Б. 62.

³⁵ Навоий А. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7-жилд. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 140.

инсоний камолотнинг негизи ёшлиқдан шаклланади. Улуғ адиб Саййид Ҳасан ўрганган фанларни бирма-бир рақам қилади: сарф ва наҳв (грамматикага оид илмлар), луғат ва арабият, мантиқ ва калом, фикҳ ва ҳадис, тафсир, шеър ва муаммо, таърих, нужум ва адвор... Замонасининг йигирмага яқин фанлари бўйича оз вақтда камолот касб этиш учун зўр ҳавас, кучли иштиёқ зарур эди. Саййид Ҳасан дунёвий илмлар бобида шундай мақомга етган. Навоий таъкидича, фақат фақр тарийқи, фано кўрасининг ўтигина кибр томирларини қуритишга қодирдир. Шунинг учун улуғ адиб «фақири зотий ва фонии жибиллий» Саййид Ҳасан шахсидаги **туғма хоксорликни, тавозуъ ва ҳаёни** кибрга мубтало бўлганларга ибрат қилиб кўрсатади. Зоҳирий фанларни кўпчиликдан яхшироқ билган Саййид Ҳасан «...ҳаё ва адаб жиҳатидан, ҳам бировга илзому хижолат етмасун деб, кўп сўз айтмас эрмишлар, балки кўп мажолисда такаллум ҳам қилмас эрмишлар»³⁶. **Ҳаё** – Саййид Ҳасанни ёшлигиданоқ барчага суюкли қилган аслий (зотий) фазилати. Алишер Навоий талқинича, ҳаё мавжуд бўлган вужудда вафо ҳам бор. **Вафо** билан **ҳаё** икки эгизак фарзанд кабидир. Маноқиб қаҳрамонини «яхши ва ямон қошида азизу мукаррам» этган хусусиятларидан бири – **ҳилм** эканлиги диссертацияда таҳлиллар орқали ёритилган. Алишер Навоий талқинича, Саййид Ҳасан вужуди «**сахои зотий**» ила музайяндир. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло асли яратилишда хос бандаларига шундай лаёқатни ато этади. Уларнинг назарларини тўқ қилиб кўяди: «Элдин ўзига жузвий нима бағоят кўп ва куллий кўрунуб, бирга ўн эваз еткурурнинг фикрида бўлғай»³⁷.

Ринд ўз ризосини Ҳақ ризосида маҳв қилган, дунё ва охират қайғусидан озод, ботинан эркин инсондир. Шунинг учун ҳам нафс ғалваларидан, дўст-душманга эҳтиёжмандликдан қутулган, каноат тахтига ўтирган харобат аҳлига шоҳлар ҳам орзу ва армон билан қараганлар. Ринди харобатийлар ахлоқидаги айрим хислатлар Саййид Ҳасан «зотида ғолиб» фақр аҳли сулуки – дарвешлик маслагидаги қатор талаб-тамойиллар билан рост келган. Саййид Ҳасан риндлар базмига иштирок этган, аммо бирор кун тоат-ибодатни қанда қилмаган. Алишер Навоий Саййид Ҳасанни риндликдан халос бўлиш учун Худодан нажот, мадад тилаб муножотлар қилгани, Ҳақдан «тавба ва тавфик» саодатини муяссар айлашини илтижолар ила сўраганини зикр этади. Маноқиб қаҳрамони табаррук мазорларга бориб, дарвешлар ва авлиёуллоҳлар мажлисларига етиб, муножотлари қабул бўлиши учун улардан фотиҳалар сўраган. Улуғ адиб Саййид Ҳасан хизматига мушарраф бўлган аҳлуллоҳнинг рўйхатини ҳам тақдим қилган. Улар Мавлоно Боязид Пуроний, Ҳазрат Баҳоуддин Умар, Хожа Абу Наср Порсо, Хожа Муҳаммад Кусавий, Шайх Зиёратгоҳийлардир. Замонасининг мазкур муршиди комиллари Алишер Навоийнинг насрий асарларида тез-тез тилга олинади. Уларнинг ҳаётидан ибратли лавҳалар келтирилади.

Саййид Ҳасан ана шундай вужуди раҳмоний руҳ билан йўғрилган авлиёуллоҳлар хизматига мушарраф бўлар экан, уларнинг илтифотларига сазовор бўлган. Саййид Ҳасанни туғма дарвеш, илоҳиёт фонийси деб таърифлаган Алишер Навоий унда Шайх Мавлоно Муҳаммад Табодгоний

³⁶ Навоий А. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. МАТ. 15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б. 90.

³⁷ Навоий А. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. МАТ. 15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б. 94.

хонақосига келгунга қадар комил инсонга хос **тавозуъ, илм, ҳилм, сахийлик, сабр, ризо, вафо, ҳаё** каби фазилатлар мужассам бўлганлигига эътиборни тортади. Хуллас, Алишер Навоий «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да аниқ тарихий шахс мисолида комил инсон образини яратган. Улуғ мутафаккир мазкур маноқибда баркамол инсон ахлоқидаги сифат-фазилатларнинг фалсафий моҳиятини, ҳар бир хулқ кўринишининг хос хусусиятини чуқур асослаган.

Бобнинг учинчи фасли **«Иждокорнинг нафис ифода ва тасвирдан фойдаланиш маҳорати»**га бағишланган. Алишер Навоийнинг йигитликдаёқ фақр тарийқиға киришга қаттиқ аҳд қилганлиги, айниқса, «Вақфия»да юксак ҳиссиёт билан акс этган. Мазкур асарда айни масала талқиниға бағишланган ўн етти байтлик маснавий Алишер Навоий дунёқарашини илмий жиҳатдан ўрганиш учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Маснавий дарвеш Саййид Ҳасанга ёзилган шеърӣ мактубдаги шоирнинг «фақр тарийқи»ға кириш билан боғлиқ фикрларини ғоявий-бадий жиҳатдан тўлдиради, тарихан янада муайянлаштиради. Ишда мазкур хулоса таҳлиллар орқали асосланган.

Алишер Навоийнинг «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарини ёзишдан кузатган бош мақсади дарвеш хулқ-атворидаги олижаноб инсоний фазилатларни улуғлаш, тарғиб қилиш, ахлоқий-руҳий камолот йўлида изланаётган, маънавий шаклланиш изтиробларини бошидан кечираётган кишиларға Саййид Ҳасан шахсини ўрнат сифатида кўрсатишдан иборатдир.

Маноқиб куйидаги сатрлар билан очилади:

Лутф айлабон, эй насими қудс осор,
Бир қатла фано гулшаниға айла гузор.
Аҳбобғақим топтилар ул ерда қарор,
Мендин ер ўпуб арзи ниёз эт зинҳор³⁸.

Бадий матнда «насим» сўзи ўз сифатловчиси («қудс») билан келган. Алишер Навоий назари оддий елга эмас, поклик елиға – муқаддас шамолға қаратилган. Улуғ адиб талқинича, сўзи ва иши, хислати ва ахлоқи барчаға ибрат қилиб кўрсатиладиган қудсий нафасли табаррук зотлар руҳиға йўлланадиган дуо ва саломни «фано гулшани»ға етказиш «насими қудс осор»ға, яъни пок ва муқаддас шамолғагина раводир. «Насими қудс осор» ва «фано гулшани» бирикмалари мантиқан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар биргаликда яхлит тасаввур ҳосил қилади. «Фано гулшани» истиоравий бирикмасидан мурод – жаннатдир. Алишер Навоийнинг пок эътиқоди ва қатъий ишончиға кўра тириклигида «хирсу ҳавас хирмонин барбод ва нафсу ҳаво қасрин барафтод» этиб, фано мақомиға етган, ишқи илоҳийнинг энг олий даражасиға эришган комил инсонлар боқий дунёда «жаннатларда ва дарёлар (устӣ)да қодир подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган жойда бўлурлар»: «Булардур ишқда васлдин ком топқон ва «бинда малики муқтадир» мақомида ором топқон»³⁹. Дарвеш Саййид Ҳасан Малики муқтадир (Аллоҳ) қошидаги рози бўлинган жойда қарор топган ана шундай инсонлардан биридир. Назмий сатрлар изидан келган ихчам жумла юқоридаги фикрни асослашға ва тўла тасдиқлашға хизмат қилади. Алишер Навоий таъкидича, Саййид Ҳасан –

³⁸ Навоий А. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. МАТ. 15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б. 89.

³⁹ Навоий А. Махбубул-қулуб. МАТ. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – Б. 98.

«солики фоний», яъни тариқат ва ҳақиқатда юқори мақомга эришган, «ишқнинг ғояти» ва «васлнинг ниҳояти»га етган олий мартабали инсондир. Саййид Ҳасан – гавҳар хазинаси. Инсон кўз қорачиғи остидаги линза шаклидаги тиниқ танача – кўз гавҳари воситасида ёруғ дунёни кўради. Саййид Ҳасан Ардашер каби инсонлар зоҳирий кўз орқали эмас, ботиний кўз – кўнгил кўзи билан дунёга назар ташлаб, олам ва одам вужудига жон ва рух бағишлайдилар. Ҳаёт – нур билан кўркам. Комил инсонларнинг қалби эса ана шу тириклик манбаи Илоҳ нури ила тўлиқдир. Алишер Навоий «**гавҳари коний**» истиоравий ифодаси орқали таъкидлайдики, Саййид Ҳасан Ардашер бутун жисму жони нурга қорилиб, вужуди нур конига айланган зоти бобаракотдир. У – **нурли фикр, нурли феъл-атвор, нурли ғоялар** хазинасидир. Улуғ шоир эътиқодига кўра, ана шундай хазиналаргина жаҳолатни парчалашга, дунё зимистонини ёритишга, оламини нурга ғарқ этишга қодирдирлар. «**Орифи маоний**» ибораси орқали Алишер Навоий Саййид Ҳасанни кўнгли маърифатга тўлиқ маънавий раҳнамо, камолот ва етуклик тимсоли эканлигига мухлисларининг эътиборини тортган.

«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» маноқибдаги дастлабки жумлада таркиби оҳангдош ва ўзаро равийдош «фоний», «коний», «маоний» сўзларини ёнма-ён қўллаш билан ҳосил қилинган тазмини муздаваж санъати Алишер Навоий фикрининг таъсирчанлигини кучайтириб, адиб сатрларига ўзига хос жозоба бахш этган. «Солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний Саййид Ҳасани Ардашер (раҳимахуллоҳ) сияр ва ҳолотида» жумласи асарнинг жанри ва сарлавҳасига ихчам ва муфассал шарҳ вазифасини ўтайди ҳамда бутун асар давомидаги ғоявий-бадий талқинни ичдан нурлантириб туради.

Жомий, Саййид Ҳасан, Паҳлавон Муҳаммад – сурати ва сийрати мутаносиб комил инсон. Инсон маънавий жиҳатдан гўзал, ҳамида ахлоқ сифатларига эга бўлса-ю, унда жисмонан қусурлар бўлса-чи, бундай одамни баркамол деб бўладими? Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат»да Адиб Аҳмад, «Мажолисун-нафоис»да темурий шахзода Шоҳ Ғариб Мирзо ҳақида битганлари бу саволга мукамал жавоб бўла олади. Тадқиқотда аҳамиятига кўра ҳар иккала асардан зарур ўринлар таҳлилга тортилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Навоий ва Паҳлавон: футувват – ахлоқий камолот йўли**» деб номланган ва уч фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фаслида «**Инсон балоғатида насаб ва қобилиятнинг ўрни: тасвир ва таҳлил**»лари ҳақида фикр юритилади. «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида қаҳрамоннинг наслу насаби ҳақидаги лавҳалар маноқиб жанрининг моҳияти ва Паҳлавон Муҳаммаднинг асосий касби билан санъаткорона боғланганлиги асослаб берилган. Адиб талқинича, бошқарувчи ўзи етакчилик қилаётган соҳанинг **амалиёт**идан пухта хабардор бўлиши баробарида шу соҳанинг **назария**сини («куштидонлиғ») ҳам эркин тасарруф эта билиши лозим. Чунки инсон ўз соҳасида ўз замонасининг **энг кучли, энг билимдон** мутахассиси бўлгандагина **сарварлик** ўрнида ўтирса арзийди. Алишер Навоий далиллаш санъатини давом эттиради. Маноқиб қаҳрамонининг элда ўз исми билан эмас, **эгаллаган касби номи** (Паҳлавон) билан машҳур бўлиши унинг шу соҳада моҳирлиги, яккаю ягоналиги, донишмандлиги

исботидир. Паҳлавоннинг муваффақиятини таъминлаган омиллардан яна бири унинг **болаликдан** шу хунар билан шуғулланганлиги, кичик ёшдан шу соҳада кўникма ҳосил қилганлигидир.

Куштигирлик асосий хунари бўлган Паҳлавон мусиқа назарияси, илми ва амалиётида етук **олим** бўлган. У янги куй-оҳанглар яратган, дилкаш ғазаллар тасниф қилган. Мусиқа асбобини ўзи чалиб, ўзи куйлаган. Алишер Навоий ўз вужудида **жавонмардлик, хофизлик, бастакорлик** ва **шоирлик** истеъдодини мужассам этган куштигир мақом йўлларига боғлаган амалларнинг одамлар қалбига, туйғуларига таъсирига доир аниқ далиллар келтиради. Адвор ва мусиқа илмининг нозикфаҳм билимдони Алишер Навоий Паҳлавоннинг **мақом** назарияси ва амалиётига оид истеъдодини далиллашга дахлдор бир неча мисоллар келтиради. Бу борадаги мулоҳазаларини куштигирнинг Машҳадда ўн икки мақомнинг «сайди ғазол» шўъбасида Ҳусайн Бойқарога аталган ўзининг бир шеърига амал боғлаганлиги хусусидаги маълумот билан яқунлайди.

Улуғ адиб Паҳлавоннинг шоирлик истеъдоди хусусида фикр юритар экан, ўз замонасида ижодкор бадиий маҳоратини баҳолашда мезон вазифасини ўтаган **муаммо** назарияси ва амалиётида унинг «соҳиб вукуф» эканлигини алоҳида таъкидлайди. Муаммо – мураккаб ва ақлни чархловчи жанр. У ижодкордан чуқур муҳокама юритишни, кишилиқ жамияти, ҳайвонот ва наботот дунёси хусусида кенг билимни талаб қилади. Илоҳий маърифат куёшидан нур олган Паҳлавон Муҳаммад таъби ҳеч қийинчиликсиз рангин муаммолар тухфа этган. Туркий халқлар адабиёти тарихида **рубой** жанрининг юксалиши ва такмилида мислсиз фидойилиқ кўрсатган Алишер Навоий Паҳлавоннинг «яхши рубойлар» муаллифи эканлигини эътироф этади. Паҳлавон Муҳаммад рубойларидан маноқибда иккита, «Мажолисун-нафоис»да эса битта намуна келтирилган.

Паҳлавон Муҳаммад ўз ҳаёти билан боғлиқ ғаройиб воқеаларни туркий шеъриятнинг қадимий жанрларидан бири – **қитъа**да маҳорат билан ифодалай олган. Алишер Навоий маноқибда Паҳлавон қитъаларидан бирининг яратилиш тарихи ҳақида муҳим лавҳа келтиради. Унда ҳикоя қилинишича, куштигир «Султоний» ариғи қирғоғида йўловчилар, мусофирлар кўниб ўтадиган бир маскан куради. Кунларнинг бирида овдан қайтаётган шох Ҳусайн Бойқаро шу масканга тушади. Иттифоқо, Султон Ҳусайн қароргоҳига ташриф буюрганда, Паҳлавон унда йўқ эди. Одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйган куштигир ўз манзилига қайтиб, воқеадан воқиф бўлгач, қаттиқ хижолат тортади. Қитъа ўша туғёнли таъсирланишнинг натижаси ўлароқ куштигирнинг узр туйғусини ифода этади.

Қитъанинг «Кошки ўзим бор бўлсайдим, жонимни нисор қилардим», – мазмунидаги сўнги мисраси кудратли ва теран томирларга туташ. Зеро, XV асрнинг иккинчи ярмида Паҳлавон пешвоси бўлган футувват тарийқининг «**ниҳояти яхшилиқ йўлида жондан кечишга тайёр туриш, фидойи қалб эгаси бўлишдир**». Фидойи қалб эгаси бўлишдек муштарак фазилатлар Алишер Навоий ва Паҳлавон Муҳаммад сиймосини бир-бирига мустаҳкам боғлаган.

Бобнинг «**Шахсият: касб, масъулият, истеъдод, ахлоқ**» деб номланган иккинчи фаслида Паҳлавон Муҳаммаднинг Шарқ бадий сўз санъати поэтикасининг конун-қоидалари, сирру синоатидан пухта хабардор бўлганлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган. «Мажолисун-нафоис» тўртинчи мажлисининг куштигир зикри билан бошланиши, Алишер Навоий замонасининг Масъуд Шервоний, Атоуллоҳ Ҳусайний, Мир Муртоз, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муъин Воиз, Амир Камолиддин Ҳусайн, Қози Ихтиёр, Мавлоно Муҳаммад Бадахший, Мавлоно Мир Ҳусайн Муаммой ва бошқа «зўр донишмандлар, фозилу уламолар зикрининг Паҳлавон зикридан кейин келиши унинг улуғ мартаба ва олий обрўси»⁴⁰га далил эканлиги Зайниддин Восифий қаламига мансуб «Бадойиъ ул-вақойиъ»даги тарихий маълумотлар билан асосланган. Паҳлавон Муҳаммад истеъдодининг айна кирраси маноқибда ҳам улуғ адиб эътиборидан четда қолмаган: «Яна санойиъ, аруз, қофияда ҳам кўп соҳибвуқуф эрди»⁴¹.

Алишер Навоий талқинида Паҳлавон Муҳаммад илоҳий калом қироатига **хушовоз, қўли ва тили пок, кўзи ва кўнгли мусаффо** инсондир. Улуғ мутафаккир, **фикҳ ва фақиҳ**нинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини Паҳлавон Муҳаммад мисолида ҳаётий лавҳаларда кўрсатган. Қуръон ва суннат ҳукмларига таянган ҳолда жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари, шахсий ва ижтимоий муносабатлар мажмуига оид низому тартиблар фикҳ китобларида ўз ифодасини топганки, Паҳлавон Муҳаммад улардан мукамал хабардор бўлган. Шунинг учун Алишер Навоий маноқибда «... кўпрак фуқаҳо ва зуҳҳодға мазбут ва маҳфуз эмас, Паҳлавонга мазбут эрди»⁴², – дея таъкидлайди. Алишер Навоийнинг комил инсон сиймоси яратилган бошқа асарларида кузатилгани каби «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»да ҳам **ҳофиза қобилияти** инсон тафаккурининг муҳим белгиларидан бири сифатида талқин қилинади. Бу жиҳатдан, Паҳлавон Муҳаммад ва Алишер Навоий шахсиятида муштараклик бор. Бу хулоса диссертацияда улуғ мутафаккирнинг «Муҳокаматул-луғатайн»да ўзи ҳақида айтган мулоҳазалар билан асосланган.

Бобнинг учинчи фасли «**Маноқибда жавонмардлик ҳақиқатининг бадий талқини**»га бағишланган. «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»да келтирилишича, Султон Ҳусайн Бойқаронинг бирор мажлиси Паҳлавонсиз ўтмаган. Мамлакат ҳукмдорининг Алишер Навоийга қанчалик яқинлиги бўлса, шунчалик «ғариб шафқату улфати ва ажиб инояти» Нуриддин Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад борасида ҳам бўлган. Фақат бу руҳий-маънавий уйғунликнинг зуҳур этиш услубида фарқлар намоён бўлган.

Ҳусайн Бойқаро ва Паҳлавон Муҳаммад орасидаги «ҳамзабону ҳамдам»ликнинг замирида ҳам маънавий яқинлик турган. Ўз замонасида миллий курашнинг пешвоси Паҳлавон Муҳаммад ва унинг тарбиясидаги юзга яқин полвонга мамлакат ҳукмдори **Ҳусайн Бойқаронинг шахсан ўзи** ҳар тарафлама **ҳомийлик** қилган.

⁴⁰ Восифий З.М. Бадойиъ ул-вақое. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979, – Б. 120.

⁴¹ Навоий А. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. МАТ. 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 110.

⁴² Навоий А. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. МАТ. 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 111.

Жавонмард назарида моддий эҳтиёжлар учун асралган энг кичик нарса ҳам **солик билан Ҳақ ўртасида** тўсиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у захира сақламайди, бугун топганини бугун элга сочади. Футувват аҳли ахлокининг мазкур жиҳатлари бутун моҳияти билан Алишер Навоийнинг ўз шахсида зуҳур этган. «Вақфия»дан ўқиймиз: «Жоним нақди ул Тенгрига закотким, кўнглумга насабқа етгунча мол захира қилмағаймен, солмади ва насабқа етган мол закотин айирғунча илкимда қолмади»⁴³. Ҳирот ҳудудидаги таноблаб унумдор ерлар ҳамда ўнлаб дўконлар соҳиби; муҳрдор, вазир, ҳоким мақому мартабаларида фаолият кўрсатган жавонмард инсоннинг закот тўлашга лойиқ маблағ «илкида қолмаганлиги» диссертацияда «Макоримул-ахлоқ» даги парчалар орқали асосланган. Шунга кўра, Н.Жабборовнинг «...ҳазрат Алишер Навоий футувват ғоясини асарларида бадий талқин этибгина қолмай, ҳаётда ҳам унинг қоидаларига тўлиқ амал қилган. Шу маънода, буюк мутафаккир футувватнинг тарғиботчиси эмас, балки буюк фатий ҳам бўлган»⁴⁴, деган фикри чуқур илмий асосга эга.

Алишер Навоий ўз адабий қаҳрамонларининг саҳийлик, олий ҳимматлилик каби фазилатларини ёритар экан, аксар ҳолларда бадий матнда «**кулфатсиз**», «**бетакаллуф**» каби сўзларни қўллайди. Кулфатсиз қилинган ҳиммат бахиллик, миннат, ғайирлик каби қусурлардан холи бўлади. Паҳлавон Муҳаммад каби «етмиш икки фирқа била маоши» мувофиқ комил инсонларни барчага суюкли қилган яна бир фазилатлари бор. Бу – **сабр**. Истаган кимсани кўпол муомаласи туфайли ранжитмаслик ҳамда ўз зеҳни койиганлигини ҳам ҳеч кимга сездирмасликдир.

Комил инсоннинг сўзи, иши, фикри, муомаласи – тили, миллати, эътиқоди, мулку мамлақати, давлату савлати бир-биридан тубдан фарқ қилувчи **барча элу элатлар, бою камбағаллар, яхшию ёмонлар, кофиру мусулмонлар билан мувофиқ келади**. Паҳлавон Муҳаммад ана шундай ноёб шахсият соҳибидир.

Буюк адиб ҳамда унинг Паҳлавон Муҳаммад янглиғ яқин биродарларининг инсоний муносабатларида ўз ҳаётий тасдиғини топган жавонмардлик ҳақиқати Алишер Навоий ижодида қайта ишланган. Алишер Навоийнинг образли фикрлаш усули воситасида футувват ақидасининг ғоявий, ҳаётий, фалсафий, ижтимоий, ахлоқий миқёси кенгайган.

ХУЛОСА

Биринчидан, Алишер Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби маноқибларида комил инсон образи Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад тимсолларида намоён бўлган. Ўз замонининг уч буюк инсонига хос юксак фазилатлар, олий даражадаги хулқ-атвор уларни баркамол шахслар дейиш учун асос бўла олади.

Иккинчидан, «Хамсатул-мутаҳаййирин»да Алишер Навоий руҳий-маънавий камолот тимсоли – Абдурахмон Жомийнинг «фархунда аҳволи ва

⁴³ Навоий А. Вақфия. МАТ. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – Б. 261.

⁴⁴Jabborov N. Alisher Navoiy asarlarida futuvvat g'oyasining badiiy talqini. /"Alisher Navoiy va XXI asr" mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari. – Toshkent: Mashhur-press, 2020. – Б. 66.

сифатлари»ни элга ибрат ва намуна қилиб кўрсатган. Сўфийлик, шоирлик ва олимпик истеъдоди Абдурахмон Жомий шахсида уйғунлашган.

Учинчидан, дарвешлик ва футувват маслаги Алишер Навоий табиати, иродаси, дидига тўлиқ мос келган ва улуғ мутафаккирга илҳом берган. Ижодкор шахсиятидаги айна фазилат Мир Саййид Ҳасан ва Паҳлавон Муҳаммад образининг муваффақиятли яратилишига асос бўлган етакчи омиллардан биридир.

Тўртинчидан, маноқиб жанрининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилган биринчи манба Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларидир. Алишер Навоийнинг уч беназир асари бу жанрнинг мукамал намуналаридир. Бинобарин, биографик талқин жараёни бу асарларда яратилган Мавлоно Жомий, Мир Саййид Ҳасан ва Паҳлавон Муҳаммаддаги юксак инсоний фазилатлар Алишер Навоий сурати ва сийратида акс этганлигини ойдинлаштириб беради.

Бешинчидан, нақшбандия тариқатида ўз такмилини топган диний, фалсафий, ахлоқий қарашлар Алишер Навоийнинг уч маноқибини ичдан нурлантириб, асар қаҳрамонларига айрича жозиба бахш этиб туради. «Хамсатул-мутаҳаййирин»да нубувват аломатлари, маноқиб қаҳрамонининг беш комиллик фазилатлари ўз ифодасини топган. «Мажолисун-нафоис» учинчи мажлисининг дастлабки мақоласида эса мазкур илоҳий сифатнинг Мавлоно Жомий шахси ва талқинидаги ифодаси нозик уйғунлаштирилган.

Олтинчидан, «Ҳолот»ларда мазкур сифат ҳолот қаҳрамонларининг жаҳон халқини «мулоямат била сайд» ва олам аҳлини «занжири иродати била гирифтори беқайд» қиладиган жибиллий фазилати сифатида адиб назарида турган. Адабий маҳоратнинг бу каби олмос қирраси улуғ мутафаккир асарларига яхлит бир Вужуд, Инсон ва Борлиқнинг ойнаси сифатида қарашни тақозо қилади.

Еттинчидан, бутун мусулмон Шарқи адабиётида кузатилгани каби Алишер Навоийнинг насрий меросида ҳам олам ва одам, жисм ва руҳ, комил инсон ҳақидаги қарашлар Қуръон ғоялари, муборак ҳадисларга ҳамда шу икки чашмадан озикланган илоҳий-ирфоний манбаларга бориб боғланади.

Саккизинчидан, Алишер Навоий Қуръони карим ҳамда ҳадислардаги нафс ва шайтонга оид талқинлар ва улар заминида шаклланган Шарқ тасаввуфи кўрсатмалари, тариқат арбобларининг ўз нафси билан кураш, катта мужоҳадада ундан енгилмаслик йўл-йўриқлари ҳақидаги қарашларидан фойдаланиб, йирик бадий-фалсафий умумлашмалар ярата олган.

Тўққизинчидан, инсонни покланиш манзилига етказиш, уни ўз аслига, ўз нуфузига лойиқ мукамал ҳолда кўриш асрлар давомида Ҳақ дўстларининг қалби тубида балқиган армонли орзу бўлиб келган. Алишер Навоий маноқибларида айнан шу жиҳат ўзининг бадий ифодасини топган.

Ўнинчидан, маноқиб яратишдан асосий мақсад халқ камолотига эришиш, комил инсон ва комил жамиятни барпо қилишдир. Тариқат ҳам айна буюк мақсадни кўзлайди. Ҳар бир тариқат асосчиси Қуръони карим, ҳадислар ва салафлар асарларидан халқ камолоти учун керакли ғояларни олиб, ана шу улкан маънавий замин асосида ўз тариқатини яратган.

Ўн биринчидан, «Маҳбубул-қулуб»да илмий-бадий талқинини топган маноқиб жанри ва маноқиб қаҳрамонларига хос хусусиятлар мутафаккир шоирнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарларида ҳаётий асосда ифодаланган.

Ўн иккинчидан, Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари ғоятда кенг, чуқур ҳамда изчил бўлган. Улуғ мутафаккир маноқибларида афсонага, ёлғонга, тўқимачиликка мутлақо ўрин берилмаган.

Ўн учинчидан, XV асрда Шарқ мамлакатларида тасаввуф маслаги ва Имом Ғаззолий ғоялари кенг қулоч ёйган. Алломанинг тасаввуф ақидалари асосларига бағишланган, араб тилида ёзилган «Ихёу улумид-дин» (1099) асарига Алишер Навоий кўп мурожаат қилган. Айни хулоса Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Абдурахмон Жомий асарлари ҳамда тасаввуф назариячиларидан Муҳйиддин Ибн ал-Арабийнинг «Фусусул-ҳикам» китобига ҳам дахлдордир.

Ўн тўртинчидан, Алишер Навоий ўзбек адабиёти тарихида маноқибнинг ўзига хос, салафлари ижодида кузатилмаган нодир намунасини яратди. Буюк мутафаккир маноқиблари туркий халқлар адабиёти тарихида мутлақо янгилик сифатида баҳоланишга лойиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАЙИТОВ ШАВКАТ АХМАДОВИЧ

**ОБРАЗ СОВЕРШЕННОЙ ЛИЧНОСТИ В ПРОЗЕ АЛИШЕРА НАВАИ
(на примере произведений в жанре «манокиб» великого поэта)**

10.00.02 – Узбекская литература (филологические науки)

АВТОРЕФЕРАТ

ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Фергана - 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована за номером B2019.2.DSc/Fil167 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и на Информационно образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Салохий Дилором Исомиддин-кизи
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Имомназаров Мухаммад Султонович
доктор филологических наук, профессор

Жабборов Нурбой Абдулхакимович
доктор филологических наук, профессор

Жураев Хабибулло Абдусаломович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

**Государственный музей литературы
имени Алишера Навои АН Узбекистана**

Защита диссертации состоится 13 ноября 2020 года в «9» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19 Тел.: (99873) 244-44-02; Факс: (99873) 244-44-93; Web-site: www.fdu.uz; e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована за номером 93). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19 Тел.: (99873) 244-44-02; Факс: (99873) 244-44-93; Web-site: www.fdu.uz; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «3» ноября 2020 года

(Реестр протокола рассылки № 15 от «3» ноября 2020 года).



[Handwritten signature]

А.А.Касимов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

[Handwritten signature]

И.Т.Хожалиев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, канд. филол. наук, доцент

[Handwritten signature]

А.Ф.Сабирдинов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. На сегодняшний день в мировом литературоведении расширен масштаб исследований направленных на изучение общечеловеческих идей, вопросов духовно-нравственного воспитания в творческом наследии наших мудрых предков. В результате выяснилось, что вопросы общества и гармоничной личности, воспитания совершенного человека на основе литературы является коренной темой. Поскольку трактовка этой темы в большей степени отражена в Восточной классической прозе, особенно в манокбах Алишера Навои, важное научно-теоретическое значение имеет исследование истории становления этого жанра, определение его эволюционного процесса и обоснование идейно-художественных особенностей. научно-теоретическим значением. Таким образом, научная концепция прямой связи генезиса художественных жанров в каждой народной литературе с развитием национальной поэтической мысли позволяет актуализировать глубокое исследование системы образов в манокбах Алишера Навои.

Сегодня во всех этапах развития мирового литературного-просветительского мышления и в каждом обществе наблюдается интерес к изучению духовности совершенной личности. Это, в свою очередь, приводит к необходимости глубокого изучения трактовки образа совершенной личности в прозаическом наследии великого деятеля Наваи, его исследованию и научной оценке на основе новых просветительских направлений. С этой точки зрения, исследования в области обобщения, систематизации к национальным, религиозным и образовательным взглядам Наваи в его трактовке общечеловеческих проблем имеют большое научное и теоретическое значение.

В нашей стране достигаются определенные положительные результаты в области объективного исследования творческого наследия Алишера Наваи на художественно-эстетической основе в контексте наших новых национальных идей, широкого распространения взглядов мыслителя о развитии духовности и формировании высоких человеческих качеств у молодого поколения. Следовательно, эта задача, стоящая перед литературоведением занимает важное место для долгосрочного будущего нашей страны, которая на сегодняшний день вступила в этап национального развития: «Творческое наследие великого поэта имеет важное значение для возвышения духовности нашего народа, воспитания молодого поколения в духе преданности Родине и уважения к национальным традициям»¹. Поэтому одной из приоритетных задач системы науки и образования является внедрение образовательного наследия великого деятеля Алишера Наваи как одного из источников нашего классического художественного мышления в

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ безавол яшайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижодкорлар билан учрашувидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2019 йил 9 февраль. (Перевод цитаты на русский язык наш – Х.Ш.)

Считаем своей обязанностью почтить светлую память крупного учёного-навоиоведа, учителя, вдохновившего автора на этот кропотливый труд – д.ф.н., профессора Р.Дж.Вахидова.

процесс нынешних реформ и его направление на обеспечение будущего гармонично развитого поколения.

Это позволит уточнить жанр произведений Алишера Навои «Хамсатул-мутахаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», раскрыть становление и совеобразие манокйба, изучить его историческое развитие во связи с национально-духовным миром народов Востока, в частности, с духовными и культурными ценностями и обычаями узбекского народа, сформировавшимися на протяжении веков, осветить художественную трактовку образов видных исторических деятелей современников великого деятеля в качестве совершенной личности на основе биографических методов через исламско-мистические источники, что в свою очередь, приводит к необходимости донесения этих данных до мировой науки.

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПК-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, ПК-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, ПП-451 «О повышении эффективности пропаганды национальной идеи и духовно-просветительской работы» от 25 августа 2006 года, ПП-1271 «О государственной программе «год гармонично развитого поколения» от 27 января 2010 года, ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года, Законе Республики Узбекистан №576 «О науке и научной деятельности» от 10 октября 2019 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 124-Ф "О проведении международной конференции на тему "Актуальные вопросы изучения и популяризации узбекской классической и современной литературы на международном уровне" от 16 февраля 2018 года и других нормативно - правовых документах относительно данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления программы развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Комментарии зарубежных научных исследований по теме диссертации². По прозаическим произведениям Алишера Наваи проводят

² Информация о зарубежных научных исследованиях по теме диссертации собрана на основе следующих и ряда др. источников: www.cambridge.org; www.humboldt.edu; www.bilkent.edu.tr; www.msu.ru; <http://dergiler.ankara.edu.tr>; www.literature/az; www.indiana.edu; www.navoiy-uni.uz.

научно-практические исследования ряд научных центров мира и высшие учебные заведения. В частности, Cambridge University (Great Britain), Universitat Humbolt (Germany), Bilkent Universitesi, Ankara Universitesi (Turkiya), Московский государственный университет (Россия), Azərbaycan Milli Elmler Akademiyası Nizami adına Edebiyat İnstitutu (Azerbaijan), University of Indiana (USA).

В результате исследований, проведенных зарубежом по текстологии и источниковедению, выполнена транслитерация и научное изучение прозаических произведений Наваи «Махбубул-кулуб», «Мажолисун-нафоис» (Cambridge University). Вопросы суфизма и суфийской литературы исследованы некоторыми востоковедами и литературоведами, в частности Х. Риттер, Л. Массигтон, Ж.С. Тримингем и А.Шиммел. Однако эти исследователи в своих трудах опирались лишь на произведения, созданные на арабском и персидском языках (Universitat Humbolt, Universitat Bonn). Вопросы преемственности традиций «тазкира» (антология) Наваи и опыт биографического метода в Турции, а также фундаментальные исследования, посвященные влиянию поэзии Наваи на творчество Ахмада Паша и других поэтов, были изучены в произведениях тюркских наваиведов Мустафа Эсен и Юсуф Четиндаг (Fateh Universitesi, Bilkent Universitesi). На основе сравнительно-типологического метода исследовано художественное наследие азербейджанских литературоведов Содик Китобдор, Сайди Али Раис Котибий и Кишварий, создавшие свои антологии, используя литературно-эстетические традиции Алишера Наваи (Azərbaycan Milli Elmler Akademiyası Nizami adına Edebiyat İnstitutu). Кроме этого, получены такие научные результаты как создание и исследование критических текстов прозаических произведений Алишера Наваи с использованием фондов мировых книжных сокровищниц (Ташкентский государственный институт Востоковедения), изучение подробностей биографии поэта на основе источников на персидско-таджикском языках, созданных современниками поэта (Университет Узбекского языка и литературы имени Алишера Наваи), изучение вопросов трактовки и анализа суфийского мировоззрения поэта в сравнении с произведениями европейских и других зарубежных ученых Востока (Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН Республики Узбекистан).

В мировой литературе проводятся исследования по проблемам просветительных идей и мистического мировоззрения в творчестве Алишера Наваи, включающие следующие приоритетные направления: обобщение национально-религиозных и просветительских взглядов мыслителя-поэта относительно совершенной личности; обоснование своеобразия жанра манокиб в классической литературе; раскрытие сущности и художественной эволюции образа совершенной личности в них.

Степень изученности проблемы. В мировом литературоведении осуществлен ряд исследований, направленных на изучение истории Восточной прозы, относительно вопросов духовно-нравственного воспитания и совершенства личностей прозаических произведений Алишера

Наваи. В частности особо следует отметить исследования таких зарубежных ученых как М.Н.Никитский, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Кононов, А.Боровков, А.Семёнов, М.Салье, Н.Конрад, А.Якубовский, А.Болдырев, В.Жирмунский, Б.Шидфар и М.Османов, Р.Мусулманкулов³.

В работах таких писателей как А. Саади, Айбек, В.Абдуллаев, И.Султанов, Х.Сулейманов, А.Каюмов, В.Захидов, Б.Валиходжаев, А.Хайитметов, А.Абдугафуров, С.Ганиева, А. Рустамов, Р.Вахидов и Я.Исхаков⁴ раскрыто своеобразие образа совершенной личности в поэзии автора. Однако несмотря на это, трактовка просветительских идей, отраженных в прозаических произведениях великого поэта, в частности вопросы образа совершенной личности не были полностью исследованы.

Вместе с тем, в докторской диссертации А.Абдукодирова, М.Мухиддинова, И.Хаккулова, Х.Жураева, У.Журакулова,⁵ в кандидатских и диссертациях доктора философии таких литературоведов как А.Хабибуллаева, К.Эргашева, Ш.Хайитова, Г.Болтаевой, Х.Эшонкулова, Н.Бековой, М.Ражабовой, К.Муллахужаевой, З.Мамадалиевой, О.Давлатова, З.Гаффоровой, Ф.Олимова, И.Пардаевой, А.Раззокова, Э.Насруллаева и Н.Рамазонова⁶ освещены различные факторы творчества Наваи.

